

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Рустам қизи Фотимахон

**Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларидан
фойдаланишнинг самарадорлиги**

5A341 104 - «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти»

Магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертацияси

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Худоёров А.

Т о ш к е н т – 2 0 0 9

Мундарижа

Кириш

I- боб. Хорижий инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий

моҳияти.....

- 1.1. Инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий моҳияти.....
- 1.2. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояларнинг ўрни.....
- 1.3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва бугунги ҳолати...

II- боб. Ўзбекистон Республикасида Хорижий инвестициялар

фаолиятини ташкил этиш.....

- 2.1. Хорижий инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.....
- 2.2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кириб келиш динамикаси (асосий тенденциялари).....

III- боб. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар

**фаолиятини иқтисодий самарадорлиги: ютуқлар,
камчиликлар, истикболлар.....**

- 3.1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш истикболлари: мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этиш.....
- 3.2. Хорижий инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.....
- 3.3. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар фаолиятига жаҳон молиявий инқирознинг таъсири.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Илова

Айнан жамиятдаги барқарорлик
ва давлат сиёсатини олдиндан
айта билиш мумкинлиги катта
кўламдаги туб ўзгаришларни
амалга ошириш, кенг инвестиция
фаолияти асос бўла олади.

И. А. Каримов.

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жозибадорлигини ошириш ва иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада яхшилашдан иборат. Жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув ва байналминаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вақтда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини муттасил ошириш ва тадбиркорларни рағбатлантириш орқали халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиш узоқ вақт учун мылжалланган барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бунинг заминида эса, мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бевосита унинг учун хорижий сармоядорларни иқтисодийга жалб этиш муҳим ҳисобланади.

Шу боис ҳам, мамлакатимиз раҳбари мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб: «Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса, хусусий компания чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди», дея бежиз таъкидламаган.¹

Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчиликни барча шаклларида бирдай фойдаланиш,

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.. Т.: - Ўзбекистон, 2009.

натижада эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ортиқча капитал танқислигининг юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай танқисликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий сармоялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришини алоҳида эътиборга олиш лозим.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазифалар олдида химоясиз ва ночор ахволга солиб қўйганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларни узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.²

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик олимлардан Гитман Л, Джон М.Д., Родионов Ю., Портер Р.С., Деверюкс Д., Робертс Б.лар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Чжен В.А., Ғуломов С.С., Абдуллаев Ё.А., Додобоев Ю., Абдуҳамидов А., Вахобов А., Ишбутаева Х., Эшниевова Х., Низомова Ш.лар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётга хорижий сармоядорларни жалб этиш, ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос жиҳатлари, миллий иқтисодиётда экспортбоп маҳсулотлар ва

² «Янгиланиш ва барқарор ҳаёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир». «Ўзбекистон овози». 2007 йил, 13 феврал. 19-сон.

импорт ўрнини босувчи товар ва хизматлар, инвесторларга яратиб берилаётган шароитлар ва рақобатбардош маҳсулотларнинг вужудга келиши Ўзбекистон иқтисодчи олимлари томонидан - Ўлмасов, Д.Қ.Қозибеков ва Т.М.Қоралиевлар ва шу каби олимлар томонидан билдирилган мулоҳазалар.

Ўзбекистонда инвестицион иқлимни жозибадорлигини яратиш, хорижий инвесторларнинг ташқи савдодаги ҳиссасини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот турини кўпайтириш, иқтисодиётда барча секторларни самарадорлигини бевосита ошириш республикамиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга эканлиги ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимни шакллантириш тажрибасидан маълумки, инвестициялар тизимни ҳаракатлантирувчи механизмлардан биридир. Хусусан, мамлакат иқтисодиётида ортиқча капитал манбаига эга бўлиш, иқтисодиётни айрим соҳаларида янги инвестицион лойиҳаларни ишга туширишда юзага келадиган моддий таъминот муаммосини хорижий сармоя ҳисобидан қоплаш ва ҳоказо бирламчи муаммоли масалаларни ечимини топишда хорижий инвестиция маблағлари алоҳида характерланади. Тадқиқот мавзусини танлашдан кўзланган дастлабки ва асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларни ечимини топиш учун, мамлакат, хусусан ҳудуд иқтисодиётига хориж капиталини имкон қадар кўпроқ жалб этиш, бунда чет эл инвесторларига капитал киритишда янгича таклифлар бериш ҳамда жалб этилган инвестицияларни янги инновацион лойиҳалар асосида ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат.

Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланади:

Аввало, хорижий инвестиция тушунчасининг назарий иқтисодий асосларини урганиш;

Мамлакат, хусусан ҳудуд иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг замонавий талқини, уларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда

хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб этишда давлат сиёсатининг туб моҳиятини таҳлил этиш;

Худуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда хорижий сармоялардан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасидир. Хорижий инвесторларнинг ташқи савдода рақобатбардош маҳсулот яратиш ва самарадорлигини ошириш йўллари ва механизми тадқиқот ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Ўзбекистонда қонун устуворлигини нафақат хусусий тадбиркорларга ва хорижий инвесторларнинг фаолиятидаги ўрни, республикаимизнинг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашув масалалари бўйича етакчи хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг илмий ишлари ва тадқиқотлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим, устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилди.

Диссертация ишининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Жаҳон Банки маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш, ҳисоб-таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг дастлабки илмий янгилиги шу бўлдики, тадқиқотда илк бор мамлакат иқтисодиётида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган объектларни инвестиция киритиш шарти билан текинга бериш масаласи таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотда

мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини жалб этишнинг янгича ноанъанавий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилишнинг истиқболли жиҳатларини таклиф этишга йўналтирилган ушбу илмий тадқиқот иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

Илмий иш бўйича натижаларнинг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертация қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга мувофиқ ҳолда кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисм уч бобдан иборат:

“Хорижий инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий моҳияти” номли биринчи бобда инвестиция ва инвестициялашнинг назарий иқтисодий асослари, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт ва унинг барқарорлигини таъминлашда тутган ўрни ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларнинг бориши ва бугунги ҳолати келтирилади.

“Ўзбекистон Республикасида Хорижий инвестициялар фаолиятини ташкил этиш” номли иккинчи бобда мамлакатда хорижий инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаси, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кириб келиш динамикаси уларнинг асосий тенденциялари таҳлил қилиниб баён қилинади.

“Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар фаолиятини иқтисодий самарадорлиги: ютуқлар, камчиликлар, истиқболлар” номли учинчи бобда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш истиқболлари: мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этиш, хорижий инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон

Республикасида хорижий инвестициялар фаолиятига жахон молиявий инқирознинг таъсири баён этилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот давомида эришилган натижалар келиб чиқувчи хулоса ва тавсиялар келтирилган.

1-боб. Хорижий инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий моҳияти.

1.1. Инвестициялар ва инвестициялашнинг иқтисодий моҳияти.

Президентимиз И.А.Каримов ҳозирги кун мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишга қаратилганлигини айтиб, хорижий сармояларни жалб этмай туриб, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, Республика иқтисодиёти ва уни шакллантириш учун чет эл инвестициялари сув ва ҳаводек зарурдир. Инвестиция сўзи немисча «Investition», латинча «Investio» сўзларидан олинган бўлиб, у капитални узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисидир.³ Хорижий инвестициялар эса, хорижий инвесторлар томонидан йўналтириладиган инвестициялар бўлиб, хорижий мулкдорларнинг бошқа мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқлар) даромад олиш мақсадида муайян муддатга қўйилган капиталидир.⁴ Чет эл инвестициялари ўзга иқтисодиётдан миллий иқтисодиётга жалб қилинган капитал бўлиб, уларнинг ички инвестициялардан тубдан фарқ қилиши хатар билан боғлиқдир (мамлакат хатари, сиёсий хатар, валюта хатари).

Чет эл инвестициялари тўғрисида сўз борар экан, бунда энг аввало

³ Валдайцев С.В., Воробьев П.П. и др. Под. Ред. В.В. Ковалёва, В.В. Иванова, В.А. Лялина. Инвестиции: Учебник.-М.: ТК Венби, Изд-во Проспект, 2003 г.

⁴ Маренков Н.Л. Основы управления инвестициями: Учебник. -М.: Едиториал УРСС 2003 г.

инвестиция киритувчи томон ўрнида барча омилларни старлича таҳлил қилиб олиш керак бўлади: инвестиция киритилаётган мамлакат иқтисодиёти, табиий ва бошқа шарт-шароитлар, ресурслар билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказо. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қўйилма» терминларини бир хил тушунча эмаслигини, яъни синоним сўзлар эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир. Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар асосан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади. У Шарқ инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».⁵

Инвестиция тушунчаси ягона ва тўлиқ тушунча беришлик учун анчагина кенг бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга. Макроиқтисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларининг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар - бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ

⁵ Козибеков Д.К. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Меҳнат, 2003 й.

нинг бир қисмидир.⁶

Охирги йиллар давомида бозор ислохотларининг зафарли юриши натижасида «инвестициялар» атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Ҳар тарафлама асосланган, пухта ўйланган инвестиция қарорларини инвестицияларини молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон молия назарияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тафсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади. Инвестицияларга аниқ ва равшан таъриф бериш ҳамда уларнинг мулкӣ шакллари, капитал қўйилмалар, капитал, кредит тушунчаларининг фарқларини очиб бериш зарурияти пайдо бўлди.

Замонавий молия назарияси масалалари Ж. Фон. Нейман, О.Моргенштерн, Г.Марковиц, Ж.Тобин, В.Шарп, Ф.Модилкяни, М.Миллер ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Молия бозорларининг фаолияти қонуниятлари ва қимматли қоғозларни баҳолаш тўғрисидаги фан сифатида шаклланган бу назария соф келтирилган қийматнинг фундаментал концепциялари, узоқ муддатли активларни баҳолаш моделлари, капиталларнинг самарали бозорлари. Бойликларнинг жамланиб бориши ва қийматнинг сақланиш қонуни, опционлар назарияси ва моҳиятини аниқ очиб бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда «инвестациялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар

⁶ Черкасов В.Е. Международные инвестиции: Учеб. Пособ. -2-е изд. Перераб. и доп.-М.: Дело, 2003 г.

хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи

назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш rischi мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни ⁷ вужудга келтиради. Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Бизнингча, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир. ⁸ Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган riskлар билан боғланишини келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар

⁷ Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник для вузов / Под обх. ред. Кушлина В. И., Волгина Н. А., редкол.: Владимирова А. А. и др. -; ЗАО «Издательство «Экономика»», 2001. – 735 с.

⁸ Жумаев Н, Бурхонов У. «Молиянинг долзарб муаммолари», Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003.

⁸ Д. К. Козибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Молия 2003 й.

кандай даромад чет эл инвестициялари ҳисобланади.⁹

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконнинг алмаштирилиши ва ўзга иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида катъий назар, янгитдан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради. Миллий иқтисодиёт четдан қўйилма сифатида чет эл капиталини унинг турли шаклларида (пул, товар, мулк хуқуқ, интеллектуал мулк ва бошқалар) қабул қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш жараёнидир. Молия назариясида эса инвестиция деганда реал ёки молиявий активларни олишни тушунилади, яъни бугунги сарфларни мақсади келажакда даромад олиш бўлиб ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, инвестициялар - муайян қийматни, бўлиши ноаниқроқ бўлган келажак қийматга алмашишдир.

Лоренс Дж. Гитман ва Майкл Д. Джонкнинг «Инвестициялаш асослари» (М. «Дело» нашриёти-1997) китобида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилади: Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади: булар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутди. Умуман кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизмларни таъминлайди. Кўпгина адабиётларда «инвестиция» терминида ноаниқликлар учрайди.

Биринчидан, «инвестициялар»га фуқароларнинг «истеъмомчилик инвестициялари» (маиший техника, автомобилк, қўчмас мулк ва бошқа) қўшиб юборилади. Бундай инвестициялар эса капитални ўсишини ва фойда олинишини таъминламайди.

Иккинчидан, «инвестициялар» ва «капитал қўйилмалар» терминларини тенглаштиришади. Капитал қўйилмалар - корхонанинг молиявий маблағларини асосий капиталга бунақлаштириш билан боғлиқ инвестиция фаолиятининг шаклидир. Инвестициялар эса номоддий ва молиявий активларга қўйилиши ҳам мумкин.

Учинчидан, кўпгина манбаларда инвестицияларни пул маблағларини қўйиш деб таърифланади. Амалиётда эса, барча ҳолларда бундай бўлмайди. Инвестициялашни бошқа шаклларда ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, корхонанинг устав капиталига бадал кўринишида кўчиб юрувчи ва кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, номоддий активлар ва бошқалар.

Тўртинчидан, кўпгина таърифларда инвестицияларни маблағларнинг узоқ муддатли қўйилмалар кўринишида бўлишини таъкидлашади. Тўғри, капитал қўйилмалар узоқ муддатга инвестицияланади. Лекин қисқа муддатли инвестициялар ҳам бўлади (масалан, монтаж қилишга зарурат бўлмаган ва қурилиш сметасига кирмаган машина ва ускуналарни сотиб олиш).

Хорижий инвестор ўз маблағини бошқа мамлакат иқтисодиётига жалб қилар экан, бунда бирламчи ҳал этилиши лозим бўлган масала-инвестиция киритилаётган мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шарт шароитларнинг инвестиция муҳитига қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлилдан ўтказишдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвестицияларнинг уларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётидаги ҳажми инвестицион муҳитга боғлиқдир. Бу муҳит кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатни ва ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари, валюта, молия, кредит ва солиқ тизимининг ривожланиш даражаси, божхона тартиби ва бошқа омиллар билан белгиланади. Инвестицион муҳит-бу яқуний ҳисобда капитал қўйилмалари таваккалчилик даражаси ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилаб берувчи сиёсий, иқтисодий,

хукукий, ижтимоий, маиший ва бошқа омилларнинг умумийлигидир.¹⁰

Инвестициялардан даромад ёки фойда икки асосий шаклдан бири сифатида олинishi мумкин: ё жорий даромад ёки маблағлар кийматининг ўсиши кўринишида. Мисол учун, банкнинг жамғарма ҳисобидаги қўйилган пуллар доимий ҳисоблаб бориловчи фоизлар кўринишида жорий даромадни таъмин этса, айти пайтда бўш турган ер участкасини харид қилишга сарфланган пул маблағлар ер участкасини сотиб олиш ва сотиш вақти ўртасидаги участка кийматининг ўсиши сифатидаги даромадни таъмин этади.

Пул маблағларига эҳтиёж сезувчи ортиқча пул маблағлари мавжуд инвестицион жараён иштирокчиларидан маблағларни жалб эта олишлари учун пул маблағлари етказиб берувчиларнинг таваккалчиликларини коплашлари зарур. Қисқача қилиб айтганда, инвестициялаш етарли даражада равон кечиши учун пул маблағлари таъминотчилари мукофот олишлари, пул харид этувчилар эса бу мукофотни таъмин этишлари лозим.

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлиқ. Авваламбор инвестициялар хажми олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолини ўртача даромади паст бўлган ҳолда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади.¹¹ Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмни ортиб боришига сабаб бўлади. Умумий даромадда жамғариш улушининг ортиб бориши инвестициялар ҳажмини ўсишига олиб келади ва аксинча. Аммо бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда, давлат фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади. Инвестициялар хажмига кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади, чунки кўрилаётган фойда инвестициялашга ундайди. Кутилаётган фойда нормаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялаш хажми шунчалик юқори бўлади, ва аксинча. Инвестициялар хажмига ссуда фоизи


¹⁰ Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма. -Т.:Шарқ, 2003. – 256 б.

¹¹ Сиддиқов А. Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2006 №7-8 сонлар.

ставкаси катта таъсир кўрсатади, чунки инвестициялаш жараёнида қарзга олинган маблағларидан ҳам фойдаланилади. Агар кутилаётган соф фонда нормаси ўртача ссуда фоизи ставкасидан юқори бўлса бу қўйилмалар инвестор учун даромадлидир. Шунинг учун ўртача фоиз ставкасини ўсиши инвестициялаш жараёнини сусайишига олиб келади. Инвестициялар хажмига кутилаётган инфляция суръатлари ҳам қз таъсирини ўтказди. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қисқариб боради.

Молиявий инвестициялар шахсий кампаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга бошқа қиммат баҳоли қоғозларга ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалардир. молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар бозорида сарфланишини ва шу бозорда қатнашини англатади. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестиция кўпинча реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфраструктураси ривожланган мамлакатларда, қиммат баҳоли қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган.

Хорижий инвестицияларга таъсир кўрсатувчи омиллар.



1.1.1-чизма.

Хорижий инвестицияларга асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

- * ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;
- * жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);
- * ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;
- * жаҳон иқтисодиётини трансмиллийлаштирилишини ўсиб бориши (АҚШ);
- * трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);
- * ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;
- * халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг фаол ривожланиши ва бошқ.

2) сиёсий омиллар:

- * капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), офшор ҳудудлари ва бошқалар;
- * ривожланаётган мамлакатларда индустриллаштириш сиёсатини олиб бориш;
- * иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- * хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- * бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқ.

Амалиётда инвестициялашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Улардан бири аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатларни синчковлик билан режалаштиришдан иборат бўлса, бошқа бири биринчисига тескари равишда таваккалчилик асосида қарорлар қабул қилишга асосланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, инвестициялаш жараёнида рационал

ёндашув натижаси одатда анча юқори бўлади. Шунинг учун инвестор дастлаб режа тузиши, сунгра умумий молиявий мақсадларга мувофиқ тарзда инвестицион дастурни бажариши мақсадга мувофиқдир.

Пул маблағлари жорий эҳтиёжларни қондириш учун сарф этилиши керак эмас, инвестицияларнинг мақсади - жорий пул маблағларидан келгусидаги эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланишдир. Инвестор дастлабки шартларни бажариб бўлгандан сўнг, инвестициялашнинг мақсадларини-кутилаётган даромадлилик даражаси билан боғлиқ инвестициялашнинг аниқ муддатларини, ўлчамларини, шаклларини ва таваккалчиликни аниқлаб олиши лозим.

Молиявий инструментни танлашдан олдин, қўйилма (сармоя) қўйиш нуқтаи назаридан баҳолашни ўтказиши лозим. Баҳолаш жараёнининг натижаси ушбу молиявий инструментнинг даромадлилик, таваккалчилик ва нархнинг аниқ ўлчамлари бўлиши лозим. Пул қўйиш вариантини танлаш жуда муҳимдир, чунки бу пайтда инвесторнинг кейинги фаолияти босқичлари аниқланади ва бунга режалаштирилган мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Энг яхши вариант сифатида энг юқори даромадлилик даражасини таъмин этилиши шарт эмас; таваккалчилик ва солиққа тортиш шартлари каби кўрсаткичлар ҳам сезиларли ўрин тутиши мумкин.

Инвестицион портфел-бир ёки бир неча мақсадларга эришишни ҳисоб қилган ҳолда танлаб олинган молиявий инструментлар тўпламидир.¹²

Юқоридагилардан чиқариш мумкин бўлган хулоса шундан иборатки, инвестициялаш жараёнида инвестицион портфелни хориж капитали асосига шакллантириш масаланинг энг муҳим жиҳати бўлиб саналади.

¹² Царев В.В. оценка экономической эффективности инвестиций.- СПб.: петр, 2004 г.

1.2. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояларнинг ўрни.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Бевосита чет эл инвестицияларининг дунё бўйича умумий ҳажми 1980 йилдагига қараганда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2005 йил ҳолатига, жами 7 трлн АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингга яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингта хорижий шуъба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмидан 2 бараваридан зиёддир.¹³

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий -иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашди. Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига

¹³ Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2006 й. 19 декабр.

қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.¹⁴

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулккий, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда, фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига таалуқли. Чунки, чет эл кредитлари ва ҳалқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бирга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий инвестициялар рисклар доираси билан чет эл кредитлари рисклари кенглиги фарқланади.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:¹⁵

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

¹⁴ Маренков Н.Л. Основы управления инвестициями: Учебник. -М.: Едиториал УРСС 2003 г.

¹⁵ «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги қонуни.- Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-1998 йил №19. 136-149- бетлар.

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора - тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади. 2007 йилда давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, 2007 йилги инвестиция дастури доирасида 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилиши мўлжалланмоқда. Бу маблағнинг салкам 700 миллион доллари ёки қарийиб 68 фоизини тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.¹⁶

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди. Бу қарорга асосан, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилмайди, шунингдек, инвестиция даври

¹⁶ А. Абиркулов. Минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этиш. "Бозор, пул ва кредит" журнали, 2007 №6 сон, 5 бет.


мобайнида тузиладиган олди - сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб - рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди. Бундан ташқари давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари реструктуризация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Қарори Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва ҳалқаро жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувининг ғоят муҳим ва техник қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги стратегик йўналишини ҳам белгилаб беради.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

Хорижий инвестицияларнинг жалб этиш аҳамияти.



1.2.1-чизма.

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёргаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrolлантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва ҳ.к.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-

хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар капиталларининг сақланиши ва химоя қилиниши қонун томонидан таъминланади. Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди. Шунингдек, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш;

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутди. Очик бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шарт-шароитлар Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга бўлган қизиқишининг ортиб боришини таъминламоқда.

1.3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва бугунги ҳолати.

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислохотлар стратегиясини белгилашда ўтиш даврининг бошларида давлатимиз раҳбари илгари сурган беш тамойил-иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, фаол ижтимоий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асос қилиб олинган эди. Ўтган давр, гарчи, тарихан қисқа бўлса-да, ислохотларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Ислохотлар стратегияси бозор иқтисодиётига ўтишнинг қуйидаги асосий йўналишларини акс эттирмоқда. Ислохотлар мулкый масалалар тўғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдагина ўзининг салмоқли натижаларини беради. Мулк муносабатларини такомиллаштириш бўйича ҳали ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ қабул қилинган тегишли қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этди ва этмоқда.

Бу борада «Ўзбекистан Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларни ва «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармонини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. 2007 йил бошига келиб хусусий мулк шаклига оид корхоналарнинг умумий сони 86,3 мингтага етди. Бу барча корхоналарнинг 49,8 %и, демакдир. Уларнинг энг кўпи савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келади. Жамоа мулкига оид корхоналар сони эса 78,3 мингтани ёки 39,1% ни ташкил этди. Бу жамоаларнинг асосий қисми - 38,0 мингга яқини микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар 2006 йили ташкил бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 240 мингтага етди. Хорижий инвестициялар

иштирокидаги корхоналарнинг сони 2007 йилга келиб 3000 тага етганини кўришимиз мумкин.¹⁷

1.3.1-жадвал.

Ўзб. Рес. фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони. (дона)

	2005 йил	2006 йил	2007 йил
Жами:	2428	2718	3000
Тошкент ш	1607	1842	2080
Тошкент вил	169	208	230
Самарқанд	120	125	140
Андижон	79	70	80
Фарғона	77	83	93
Наманган	57	52	60
Бухоро	55	60	57
Навоний	48	45	42
Қарши	44	44	53
Сурхандарё	40	42	50
Сирдарё	41	47	29
Қарақалпоғистон	38	40	41
Хоразм	27	31	21
Жиззах	26	29	24

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2006 йили ушбу секторда 73,3% ялпи ички маҳсулот, 78,6% соф маҳсулоти, 99,0% ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 73,4% қурилиш-пудрат ишлари, 99,0% чакана товар айланмаси айнан шу соҳада амалга оширилди. Халқ хўжалиги нодавлат секторида банд бўлганларнинг умумий сони 72,1% ни ташкил этмоқда. Давлат сектори иқтисодиётда ўзининг монопол аҳамиятини йўқотмоқда, кўп қиррали, аралаш хўжаликка кенг йўл очилиб, рақобат учун борган сари кенгроқ имкониятлар яратилмоқда. Тадбиркорликни

¹⁷ Бекенов С.Х., ЎзР молия вазири ўринбосари. Халқаро инвестиция форумидаги чиқиши. 29 май 2007й. Тошкент.

ривожлантириш ҳисобидан 2007 йилда 370 минг янги иш ўринлари очилди.¹⁸

Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ислохотлар тақдирини белгиловчи шартлардан биридир. Бу, биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ички бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонда қисқа вақт давомида кичик ва ўрта бизнес-ривожлантиришнинг ҳудудий шарт-шароитлари ва ташкилий тузилмалари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди, «Мадад» суғурта агентлиги, консалтинг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес - инкубаторлар иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда кичик ва хусусий корхоналарнинг умумий сони 100 мингдан ошди. Қишлоқ хўжалигида 2006 йилда 38 мингдан ошиқроқ деҳқон хўжаликлари ташкил топди.¹⁹ Аммо кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволини қониқарли, деб ҳисоблаш қийин. Ҳали яна қўллаб кичик ва хусусий корхоналарни ташкил қилиш, бу ишга аҳоли шахсий жамғармаларини жалб этиш, шу йўл билан янги иш жойларини барпо этиш имкониятларини ишга солиш лозим. Айрим кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари моддий-техника ва хомашё, узоқ муддатли кредитлар билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек, жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовлар туфайли ўз фаолиятларини ривожлантира олмаётирлар. Яна муҳимики, биз ўтмиш саркити боқимандалик рухиятидан кутила олмаяпмиз. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этганларнинг аксарияти уни давлат ёки бошқа бировнинг ҳисобидан амалга оширишни ҳоҳлайди.

¹⁸ «Деловой партнер Узбекистана» Инвестиционный форум Узбекистана 2006 г 6 май

¹⁹ «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Ўзбекистон бюджет сиёсатининг устуворликлари. 2008 й. 28 август

Тўғри, кичик ва ўрта бизнесни давлат даражасида кўллаб - қувватлашга барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо давлат томонидан ажратилган маблағларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат кўмагидан ташқари яна бошқа йўллари ҳам мавжудки, бугунги кунда улардан унумли фойдаланмоқ зарур.

Хўжалик юритувчи субъектлар динамикасига тўхталганда, мулкни гаров сифатида қолдириш ҳисобига ҳар қандай тижорат банкидан кредит олиш мумкин. Бундай имконият бўлмаган ҳолда табиркорликни молиялаштиришнинг Венчур усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Бу вақтда тадбиркорга маблағ ажратган банк қарзидан кутулганга қадар фирманинг ёки ушбу хусусийишнинг эгаси бўлиб тураверади. Айрим мамлакатларда кредит иттифоқлари ташкил этилган бўлиб, уларда кичик корхоналар ҳисобидан умумий жамғарма тунланади ва ундан бир-бирига қарз беришда фойдаланилади. Биз эса шу мақсадга ажратилган 350 млн. АКШ долларга тенг чет эл кредитининг атиги 1-5 миллионини ўзлаштира олдик холос.

1.3.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг молиявий кўрсаткичлари 1997-2008 йиллар

	ЯИМ	Хорижий инвестициялар ва кредит		Асосий капиталга хорижий инвестициялар	
	млрд. сум	Млрд.сум	ЯИМдаги умумий улуши %	млрд.сум	ЯИМдаги умумий улуши %
1997	302,8	12,4	4,1	88,9	29,4
1998	559,1	28,4	5,1	176,7	31,6
1999	976,8	48,3	4,9	276,6	28,3
2000	1416,2	78,2	5,5	396,4	28,0
2001	2128,7	122,0	5,7	537,4	25,2
2002	3255,6	172,4	5,3	744,5	22,9
2003	4925,3	369,6	7,5	1320,9	26,8
2004	7450,2	306,2	4,1	1526,6	20,5
2005	9837,8	479,5	4,9	1978,1	20,1
2006	12189,5	659,9	5,4	2629,0	21,6

2007	15210,4	577,0	3,8	3012,9	19,8
2008	20759,	730,4	3,5	3838,3	18,5

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, бошқа мулк шакллари хусусий мулк замирида пайдо бўлади ва шу мулкнинг трансформациясини билдиради. Хусусий мулк миллийлаштирилганда жамоа мулки юзага келади. Мулккий хилма-хиллик мулк шаклларининг тенглигини билдиради. Барибир бу, хусусий мулк устуворлигини талаб қилади.

Устуворлик хусусий корхона ва хўжаликнинг маҳсулот ва хизматларни яратишда, уларнинг олди-сотди қилинишида етакчи бўлинишини англатади. Булар биргаликда миллий иқтисодиётнинг хусусий секторини вужудга келтириб, хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва хусусий капиталнинг ҳиссаси катта бўлган акционерлик жамиятдан ташкил топади. Иқтисодиётнинг мулкчилик жиҳатидан тузилиши шуни кўрсатадики, ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётидаги хусусий мулк ҳиссаси расман 35 %, давлат мулки 24,4 %, жамоа мулки эса 39,5 %ни ташкил этади. Бу рақамлар ҳозирда хусусий мулкнинг мавқеи қанчалик юқори эмаслигини билдиради.²⁰ Бунинг бошқа сабаби ҳам бор: хусусий фаолият натижалари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Бу фаолият хонадон доирасида кечади, у товар ва хизматлар яратади, лекин уларнинг бозор нархи аниқ эмас. Деҳқон хўжалиги, томорқа ва хонаки ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажми тўғри аниқланиб, улар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилса, мақсадга мувофиқ, бўлар эди. Чунки миллий иқтисодиётда турли мулк ҳиссаси аниқ, бўлмас экан, мулккий тузилмани яхшилаб бўлмайди ва Ўзбекистонда мулккий ислохотларни қайси йўналишда чуқурлаштириш ва эркинлаштириш заруриятини ҳам билиб бўлмайди.

Таркибий сиёсат, энг аввало, қишлоқ хўжалига хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологиии циклнинг тугалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилги-энергетика ва озиқ-овқат

²⁰ С.Насретдинов. Жозибадор инвестицион муҳит иқтисодий юксалиш негизи. “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2007 йил, №6, 16 бет.

мустақиллигини таъминлашга қаратилди.

Ички ва ташқи кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун хозирлашга йўналтирилди. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль йўллари ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналаридир. Биргина Кўкдумалоқ қонида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада тўқимачилик фабрикаси кўрилиб ишга туширилди. Маълумки, Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик қурилишларнинг географияси анча кенгайди. Бу сиёсат узоқ, вақтдан бери ҳукм суриб келаётган саноат тараққиётидаги минтақавий номуносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди. Табиийки, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришда компаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичида тўхтовсиз давом этаверади. Бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоқлар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг ҳиссаси ошиб бораверади. Аксинча, бозор ва тараққиётга мос келмайдиган соҳаларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишдаги улуши пасайиб ёки бутунлай йўқолиб, ўз ўрнини бошқа, илғор соҳаларга бўшатиб бераверади.

Ҳаёт бутун халқ хўжалиги тармоқлари орасида айрим тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга устуворлик бериш ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш тўғри йўл эканлигини исботламоқда. Устувор соҳаларининг тўғри белгиланиши нафақат илғари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга ҳам имконият беради, шу билан бир қаторда бутун халқ хўжалигини олдинга силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига ҳос олға етакловчилик вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта кўришлар жараёнида

тармоқларни саноат негизда ривожлантиришни жадаллаштириш, экспорт потенциалини кучайтириш ва четдан келтириладиган маҳсулот туларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорни халқ истеъмоли ва озиқ - овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш, коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва бошқалар УСТУН йўналишлар сифатида белгиланган эди. Масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси 63% ни, ёқилги- энергетика саноати тармоқлари саноат инвестициялари умумий ҳажмда 43 % ни ташкил этди. Транспорт ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга мавжуд сармояларнинг 31 %и сарфланди. Бу эса ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни реал кўрсаткичларда ошириш имконини берди. 2006 йилда иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 %га ушиб, 1 трлн. 400 млн. сўмга ортди.²¹

Ислоҳатлар ислоҳат учун ўтказилмайди. Улардан мақсад - ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз ўстириш асосида халқнинг яшаш, турмуш даражасини юксалтиришдир. Худди ана шу борадаги натижлар ислоҳатларга ҳақиқий мазмун бахш этади. Иқтисодий ислоҳатларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Иқтисодий ислоҳотлар мулкый масалалар турли ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдагина салмоқли натижалар беради.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда

²¹ . Р. Нурибетов. Минтақавий иқтисодиёт ривожда инвестиция муҳити. «Бозор, пул ва кредит» журналі , 2007 №4 сон, 45 бет.

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жихозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида жаҳон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш амри маҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция муҳити барпо этилган. Шунини очик, айтишимиз керакки, бу қулайликсиз самарасини бермоқда. Кўплаб чет эл компания ва банклари биз билан шерикликда ишлаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ётқизиш истагини билдирмоқда, бизни ўзлари учун истиқболли ҳамкор деб тан олмақда. Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси хажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, йилнинг тарзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет эл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.²²

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

²² Т. Қодиров. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш. «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2007йил, № 4, 40 бет.

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

"Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. Хорижий инвестиция жалб этилган корхоналарга қуйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш хажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;
- хорижий инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;
- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан етти йил муддатга озод этиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25% болалар учун мўлжалланган бўлса, корхона ишга тушгандан бошлаб солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади;
- устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини

босишга мўлжалланган бўлса солиқлар тўлашдан икки йил муддатга озод этиш;

- фойдадан тўланадиган солиқ-18%;
- агар устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 500000 АКШ долларида
1 000 000 АКШ долларигача бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ-15%;
- агар устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми хорижий шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 1000 000 АКШ долларида ва ундан кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ-16%;
- агар устав капитал ҳажми камида 500 000 АКШ долларини ташкил этса, мол-мулк солиғидан озод қилиш;
- ер солиғидан икки йилга озод қилиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга сотиш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш;
- жисмоний, ҳуқуқий шахслар ва давлатнинг мулкни хусусийлаштиришда бемалол иштирок этишлари мумкин.

II-боб. Ўзбекистон Республикасида Хорижий инвестициялар фаолиятини ташкил этиш.

2.1. Хорижий инвестициялар фаолиятини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.

Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирок этишлари кенгайиб борган сари, иқтисодий жihatдан етакчи мамлакатлар бўйича таъсирнинг объектив тақсимланиши аниқ бўлиб бормоқда. Айни вақтда, Ўзбекистон инвестиция бўйича шериклар доирасини кенгайтира бориб ва уларни мамлакат иқтисодиётини таркибан ўзгартиришга, корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга жалб этиб, кўп соҳаларда ютуқларга эришмоқда.

2.1.1 – жадвал.

Хорижий инвестициялар ҳажми ва таркиби, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		Ўсиш суръати, % да
	ҳажми	салм. %	ҳажми	салм. %	
Асосий капиталга инвестициялар	5479,7	100,0	8483,7	100,0	128,3
Марказлашган инвестициялар	1099,7	20,1	1717,0	20,2	129,1
- бюджет маблағлари	492,9	9,0	761,8	9,0	127,9
- нобюджет фондлари маблағлари	334,8	6,1	533,6	6,3	131,8
- хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитлар	272,0	5,0	421,6	5,0	128,2
Марказлашмаган инвестициялар	4380,0	79,9	6766,7	79,8	128,0
- корхоналар маблағлари	2610,0	47,6	3741,1	44,1	118,6
- аҳоли маблағлари	621,9	11,3	828,0	9,8	112,0
- тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	975,7	17,8	1772,1	20,9	150,2
- тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	172,4	3,1	425,5	5,0	246,8

Манба: ЎЗР Даллат статистика қўмитаси

Юқоридаги жадвални таҳлил қилар эканмиз, 2007 йилда асосий капиталга

инвестициялар 5479,7 млрд.сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 8483,7 млрд сўмни ташкил этган. Ўсиш суръати 128, 3 фоизни ташкил этди. Марказлашган инвестициялар 1099,7 млрд. сўмни, 2008 йилда 1717,0 млрд га ошганлигини кўришимиз мумкин. Марказлашмаган инвестициялар 4380,0 млрд сўм ва 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 2386.7 млрд сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Минтақа иқтисодиётини инвестициялаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш, капитал маблағларнинг минтақага киритилиши икки йўналишда амалга оширилишини аниқлаш имконини беради. Биринчиси, ички капитал маблағларни иқтисодиётга жалб этиш асосида олиб борилса, иккинчи йўл ташқи инвестицияларни иқтисодиётга киритилншини назарда тутди. Минтақа иқтисодиётига ички капитал маблағларнинг киритилиши, биринчидан. маҳаллий корхона ва тадбиркорлар томонидан олиб борилса. иккинчидан, минтақа бошқарув идораларининг юритаётган инвестиция сиёсати натижасида амалга оширилади.

Биринчи ҳолат, якин минтақадаги корхона ва тадбиркорлар томонидан инвестициялаш, бугунги кунгача шаклланган ҳудудий инвестицион муҳит нагжасидир. Таъкидлаш жоизки. ушбу жараёнда минтақа иқтисодиётига киритилаётган капитал маблағларнинг сезиларли қисми қўйилди.

Иккинчи ҳолат, минтақа иқтисодиётига капитал маблағлар киритилиши, ҳудудий бошқарув идоралари томонидан ишлаб чиқилган минтақавий дастурлар молиявий ажратмалар аа бошқа тадбирлар билан узвий боғлиқ.

Солиқ имтиёзлари бериш орқали инвестицион фаолиятни рағбатлантириш Франция, Италия, Финляндия ҳамда Грецияда қўлланилади. Бироқ, Европа Хамжамияти (ЕХ) ушбу рағбатдан фойдаланишни корхоналар ўртасида рақобат муҳитининг пасайишига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди.²³ Канадада нафақат корхоналарнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш, балки аҳоли капитал маблағларини ҳам инвестиция жараёнига жалб қилишда солиқ,

²³ «Инвестиционный потенциал Узбекистана» Х. Х. Имомов 3-й Международной научно-практической конференции г. Самара 20-21 ноября 2003 года.

имтиёзларидан фойдаланилди. 1970 йилда мамлакат фуқароларининг уй-жой қурилишига капитал маблағлар йўналтиришларини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари берилди. Бунда аҳоли даромадидан олинадиган солиқ, базаси (чекланган суммагача) уй-жой қурилишига йўналтирилган миқдорга камайтирилди.²⁴

Минтақа иқтисодиётида инвестицион жараёни жадаллаштиришнинг муҳим жиҳати, бу, банк-молия тизимининг ривожланиши билан боғлиқ. Кўпгина молия институтлари, хусусан банклар ички ва ташқи молия ресурсларини аккумуляция қилиш ва реал секторларга инвестициялашда фаол қатнашадилар. Канаданинг Принс-Эдуард оролида кичик ва ўрта корхоналарнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишларининг аксариятини маҳаллий тижорат банклари амалга оширди. Принс-Эдуард оролидаги кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини молиялаштиришнинг 65 фоизи айнан маҳаллий тижорат банклари, 9,9 фоизи «Корона» корпорацияси, 1,3 фоизи кўчма мулкни гаровга қўйиш эвазига молиялаштирган турли фондлар хиссасига тўғри келди.

Шу ўринда айтиш жоизки, хорижий мамлакатларда Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, молия институтларининг кенг қатлами кредит бериш ҳуқуқига эга ва бу кредитлаш жараёнидаги рақобатни кучайтиради. Минтақа инвестицияларига дотация бериш Испания мисолида яққол кўринади. Айтиш жоизки, минтақа инвестицияларига дотация ажратиш механизмини амалиётда қўллаш алоҳида қонун асосида амалга оширилади ва лойиҳаларни бериш, уларни танлаб олиш ва назорат қилиш, иқтисодиёт ва молия вазирлигининг минтақавий²⁵ офислари орқали олиб борилади. Бунда лойиҳаларни танлаб олишдан устуворлик янги ишчи ўринларини барпо этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, янги корхоналар учун ишлаб чиқариш хажмининг, амал қилувчи фирмаларга эса, меҳнат унумдорлиги суръатининг ўсиши ва технологик ўзгаришнинг янгилик даражаси ҳамда минтақа маъмурияти томонидан қўллаб-

²⁴ Котаюбов В.Ю. Инвестиционный потенциал хозяйственной деятельности: Макро экономический и финансово-кредитный аспекты. Учеб. пос. -М.: МГИМО-Университет. 2004 г.

²⁵ Инвестиции: Региональный аспект. Орс ред. Н. Главацкая. М.: 2002, с. 285

қувватланиш омилларига берилади. Дотация ажратиладиги асосий талабга кўра, ариза топширган фирма томонидан лойиҳа қийматининг камидя 30 фоизи молиялаштирилиши зарур.

Францияда «Давлат - минтақа режа пакети асосида инвестицияларга субсидия берилади. Бу ерда, янги шаклланаётган саноат корхоналарига, айрим ҳолларда хизмат кўрсатиш фирмаларига бериладиган инвестиция субсидиялари кўзда тутилиб, ҳар бир яратилган иш ўрни учун қаерда барпо этилганига қараб 50-70 минг франк миқдоригача маблағ тўланган. Ундан ташқари, фирмаларга ажратиладиган субсидия миқдори ялпи инвестицияга нисбатан чегараланган бўлиб, бу нисбий кўрсаткич 17 фоиздан 34 фоизгача белгиланган.²⁶

Ташқи инвестицияларнинг минтақа иқтисодиётига киритилиши билан боғлиқ, хориж тажрибаси турли мамлакатларда бир-бирига ўхшамаган воситалар орқали амалга оширилишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ушбу фаолиятни олиб боришда умумий жиҳатлар ҳам кўзга ташланади.

Масалан, Европа Иттифоқининг минтақавий инвестицион сиёсат юритиш институтлари ва молия ташкилотлари томонидан ажратилган маблағлар ва ишлаб чиқилган йўналишлар Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларнинг мутасадди идоралари томонидан асос сифатида қабул қилинади, ўзлаштирилади ва амалиётга татбиқ этилади. Европа Иттифоқи минтақавий инвестицион сиёсатнинг асосий воситаси, Хамжамият комиссияси томонидан ишлаб чиқилладиган беш йиллик дастурлардир. Айнан ушбу комиссия муайян дастурларнинг устуворлиги ва молиялаштириш хажмини белгилайди, 2000-2004 йилларда 32 та турли йўналишлардаги дастурлар молиялаштирилди. Улар мавжуд минтақавий муаммоларни бартараф этиш ва ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор тараққий этишини таъминладилар. Мазкур дастурлар хусусан, «Rechard» - минтақа ва тармоқ ривожланишидаги суръатларнинг пасайиши билан боғлиқ, муаммолар ечимига йўналтирилган бўлса, «Regis» -

²⁶ Ендовский Д. Л. и др. Практикум по инвестиционному анализу. Учебное пособие.-М.: ФиС. 2003 г.

Европа Иттифоқи марказидан узоқроқ жойлашган қолоқ ҳудудлар иқтисодийнинг тармоқ таркибини диверсификациялаш, «Regen» - чекка ҳудудларни газ ва электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш, «Stride» минтақаларнинг илмий-текшириш технологияларини яратиш соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш, илмий-текшириш ташкилотлари ва саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш, «Leader» - саноатлашган ҳудудлардан узоқ жойлашган қишлоқ жойларидаги аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қишлоқ ҳудудлари ривожланишига ёрдам бериш, қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, «Star» - нисбатан қолоқ минтақаларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш ва телекоммуникация хизматларини тақдим этириш, «Valoren» - ички энергия манбаларидан самарали фойдаланиш негизида минтақаларни ривожлантириш масалаларини ўз ичига олади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридаги дастурларда минтақаларни қўллаб-қувватлаш масаласи бирламчи омил сифатида олинмайди, балки унга айнан муайян бир йўналишдаги муаммони ҳал этишда устуворлик берилади.²⁷

Ушбу дастурларни молиялаштириш Европа Ҳамжамиятидаги тузилмавий жамғармалар томонидан амалга оширилади. Улар қуйидагилар:

- 1) Ҳамжамият минтақалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни бартараф этишга ёрдам берувчи -«Минтақаларни ривожлантириш Европа жамғармаси» (European Regional Development Fund-ERDF);
- 2) Бандлик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қўмаклашувчи - «Европа ижтимоий Жамғармаси» (European Social Fund-ESF);
- 3) ЕХ аграр сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ жойларининг ривожланишини таъминлашга асосланган -Европа қишлоқ хўжалигини бошқариш ва кафолатлаш жамғармаси ҳузуридаги бўлинма (Guidance Section of the European Agricultural Guidance and Guarantee Fund - EAGGF).²⁸


²⁷ Черкасов В.Е. Международные инвестиции: Учеб. Пособ. -2-е изд. Перераб. и доп.-М.: Дело, 2003 г

²⁸ Роберт С. Пиндайк, Дэниел Л.Рубинфельд. Микроэкономика. Калифорнийский Университет, Беркли, пер. с англ., -М.:Дело, 2001. -807 стр.

Минтақа иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ушбу мамлакатларда инвестиция сиёсатини юритишда фойдаланиладиган воситаларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатнинг марказий идоралари томонидан Ўзбекистан бўйича минтақа иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг дастак ва воситаларидан фойдаланилади. Ваҳоланки, минтақа бошқарув идоралари доирасида ушбу дастак ва воситалардан фойдаланиш ваколати йўқ. Шунинг учун, минтақада инвестицион жараёнини янада жадаллаштиришнинг муҳим йўналиши айнан давлатнинг марказий идоралари ваюлатидаги воситаларни минтақа бошқаруви даражасига беришдир.

Зотан Юртбошимиз таъкидлаганидек. «Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳит шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистан бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин». Бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Дастур ва молиялаштириш манбалари (жами – 300 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади)




Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси.

2.1.1- диаграмма

Мамлакат инвестиция муҳитини ижобий баҳолашда авваламбор, сиёсий барқарорликка аҳамият берилади. Мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, инвесторнинг дархол фойда олиш эмас, балки ўз фаолиятини синчковлик билан режалаштириш ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини тузишига замин яратади. Айнан шу омилга асосан, Марказий Осиё мамлакатлари ичида унинг энг барқарор бўлиб қолиши Ўзбекистан инвестиция муҳитининг асосий жиҳатларидан биридир.

Иқтисодиётнинг реал секторига хусусий инвестицияларни янада жалб қилиш ҳозирги пайтда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Жумладан, 2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони бунинг исботидир.

Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси (млрд. сўм)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

2.1.2 - диаграмма

Маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган инвестициялар 2005 йилда 226 млрд сўмни, Республика бюджетдан молиялаштирилган инвестициялар

128 млрд.сўмни ташкил этган. Махаллий бюджетдан молиялаштирилган инвестициялар 2006 йилда 236 млрд.сўмни ташкил этиб 2007 йилда 323 млрд сўмга ўсган. Республика бюджетидан молиялаштирилган инвестициялар 2006 йилда 30 млрд сўмга 2007 йилда бу кўрсаткич 20 млрд сўмга ошганини кўришимиз мумкин. 2008 йилга келиб махаллий бюджетдан молиялаштирилган инвестициялар 382 млрд сўм ва республика бюджетидан молиялаштирилган инвестициялар 211 млрд сўмни ташкил этди.

Фармонга кўра, хорижий инвестор улуши иштирок этган корхоналарга низом жамғармасидан келиб чиққан ҳолда турли давр мобайнида бир қатор солиқлардан озод этилади. Ҳукуматимиз томонидан хорижий инвесторларга берилаётган бу каби эътиборни юксак баҳолаш зарур.

Шундай бўлсада, мазкур соҳа янада такомиллаштирилиши талаб этади. Мамлакатга тўғри инвестицияларни жалб қилишда икки жихатни бир-биридан ажратиш лозим: иқтисодий самарадорлик ва ташқи қарз. Аксарият ривожланган мамлакатлар кўп ҳолларда ташқи қарзга мурожат қилишади.

Республика хорижий сармоясини таҳлил қилар эканмиз, унда давлат кафолати остида жалб қилинаётган инвестиция ва кредитлар кўпчиликини ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бинобарин Президентимиз айтганидек, «бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониқтирмайди.²⁹

Давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш учун ташқи қарзлар ҳаммасини камайтира бориш керак. Албатта, мазкур қарз маблағлари иқтисодий тизим қайта кўриш дастурини молиялаштириш, ижтимоий сектор, қишлоқ, хўжалигини ривожлантириш ва қўллаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойиҳаларини молиялашга хизмат қилсада, уларнинг мақсадсиз ва самарасиз ишлатилиши мамлакат ташқи қарзининг ошиши ва иқтисодиётда инфляция жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлиши

²⁹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза 1999 йил 14 апрел. Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъруза. 2000 йил 1 феврал

мумкин.


Бу эса, ўз навбатида, уларнинг иқтисодий қарамлигини оширади, бундан ташқари миллий валютанинг девалквацияланиши таъсирида ташқи қарз янада қимматлашишига сабаб бўлади. Миллий иқтисодиётга қарз маблағларини жалб қилишдан кўра, хусусийлаштирилаётган корхона, ташкилот ва хусусий корхоналарга хорижий инвесторни мустақил равишда жалб қилиниши учун имконият яратиб бериш зарур.

Давлат кафолати остида жалб қилинаётган сармояни эса илм-фан соҳаси, янги технологияларни жалб қилиш ва уларни яратишга қаратиш даркор. Чунки, хусусий инвесторининг бу каби узок муддатли қўйилмаларга бўлган қизиқиши паст бўлади.

Шунингдек, хусусий хорижий инвестицияни жалб қилиш тизимини соддалаштириш зарур. Хозирги пайтда янги ташкил этиладиган қўшма корхоналар низом жамғармасига нисбатан меъёр ўрнатилган бўлиб, у хозирги кунда 150 минг АҚШ долларини ташкил этади.

**Хорижий инвестициялар Давлат инвестиция дастурлари доирасида
хорижий инвестицияларни жалб этиш динамикаси .
(2003-2008 йй)**

(млн.АҚШ.долл)




Манба: ЎзР статистика қўмитаси

2.1.3-диаграмма.

Ўтган давр мобайнида иқтисодий эркинлаштириш ва валюта муносабатларида ислохотларни ўтказишнинг амалий натижаси сифатида валюта курслари бирхиллаштирилди, жумладан параллел бозорда шаклланган курс расмий курсга тенглашди. Шундай бўлсада, хорижий инвестор учун мамлакат муҳитининг яхшилашини валюта бозори янада эркинлаштирилишини талаб қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар динамикаси



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2.1.4-диаграмма.

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибидаги ўзгаришлар сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. 2008 йилда инвестицияларнинг ўсиш суръати 2007 йил кўрсаткичларидан ўртача 2,3 фоиз даражага ошиб, 9,3 фоизни ташкил қилди.

Республикамизда ички маблағларнинг етарли даражада эмаслиги қўшимча сармоя жалб қилишнинг мукамал тизимини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, реал секторни зарурий маблағлар билан таъминлабгина қолмай, балки замонавий технология ва иш юритиш малакасини татбиқ этишда самарали ҳисобланиб, келгусида у иқтисодий

ўсишга замин яратишда ва жаҳон майдонларида республикамиз нуфузининг ортишига хизмат қилиши муқаррардир.³⁰

Умуман олганда, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда, юқорида таъкидланганидек, турли молиявий инструментлардан фойдаланиш бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалиб, ўзининг ижобий натижасини кўрсатган. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвесторларнинг эркин кириб келишларида уларга етарли шароит яратиб бериш - истиқболдаги молиявий барқарорликни таъминлаб берувчи энг муҳим омиллардан бўлиши шубҳасиз.

2.2 Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кириб келиш динамикаси (асосий тенденциялари).

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш босқичига ўтди ва бу ҳолат то ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Шундай бўлсада, мамлакат иқтисодиёти олдида жорий вақтда иқтисодий ўсиш сифатини оширишдек долзарб муаммо турибди. Чунки, бугунги кунда ЯИМ таркибидаги саноат ва қурилиш каби иқтисодий ўсишнинг сифатини белгиловчи тармоқлар улушини ошириш зарур. Тармоқларнинг бу муаммоси асосини ҳозирда фойдаланилаётган техника-технология даражасини қалқаро талаб даражасидан пастлиги, асосий воситаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирганлиги ташкил этади. Бу масалани ҳал этиш негизида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар улушини ўстириш, улардан самарали фойдаланиш зарур.

Ҳозирда Ўзбекистондаги мавжуд тармоқлар асосий капиталига киритилаётган инвестициялар миқдори узлуксиз равишда ўсаётганига қарамай, инвестицияларнинг тармоқ, яъни маҳсулотига нисбати пастлигича қолмоқда.

³⁰ Сиддиқов А. Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2004 №7-8 сонлар.

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулк шакллари
бўйича таркиби (%)

	2006 I чорак	2007 I чорак
Асосий капитал инвестициялар	100	100
Давлат мулки	40,8	32,3
Нодавлат мулки	59,2	67,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар нодавлат тармоқларига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 2007 йилининг 1 чорагида 8,5 фоиз даражага ошиб 67,7 %ни ташкил этди. Асосий капитал инвестициялар эса 32,3 % га тушиб кетди. Тармоқларга янги киритилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссаси 1996-2006 йилларда нотекис тенденцияда ўзгариб борган бўлсада, умумий ҳолда ўсиб борган. Саноат тармоғига янги киритилган инвестицияни иқтисодий ўсишга қўшган ўртача йиллик ҳиссаси 7,07 фоизга, қишлоқ хўжалиги тармоғидаги бу кўрсаткичнинг ўртача улуши 12,98 фоизга, қурилиш тармоғидаги бу кўрсаткичнинг ўртача улуши 2,65 фоизга, хизмат кўрсатиш тармоғидаги бу кўрсаткичнинг ўртача улуши 17,29 фоизга тенг бўлган

Миллий иқтисодиётда тармоқларга киритилаётган янги инвестициялар улуши тебранувчи тенденцияга эга. Охирги йилларда тармоқларга киритилган янги инвестицияларнинг улуши умумий ҳолда пасайишни ўзида ифода этмоқда. Фақат 2007 йилда 2006 йилга нисбатан саноат тармоғида бу кўрсаткич 2003 йилдаги 28,4 фоиздан 2007 йилда 28,6 фоизгача ўсишни акс эттирган, тармоқнинг асосий капиталига киритилган инвестицияларни тармоқ, ялпи маҳсулотдаги улуши ҳам охирги йилларда пасайиш тенденциясига эга. Бу кўрсаткич фақат қурилиш тармоғида 2007 йилда 2006 йилга нисбатан ўсиб, 2006 йилдаги 1,77 фоиздан 2007 йилда 1,81 фоизгача етган. Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, тармоқларга киритилаётган инвестициялар ҳажмини ўстириш зарур, чунки инвестицияни ялпи маҳсулотдаги улушини пасайиб бориши охир-оқибат

тармоқда инвестицияга бўлган талабни таклифдан ортишига ва тармоқда талаб омили таъсирида бузилиш содир бўлишига олиб келади.

2.2.2-жадвал.

Иқтисодиёт тармоқлар бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби (%да)

	2007 йил	2008 йил
Жами	100	100
Ишлаб чиқариш йўналишига	81,9	90,6
Саноат	45,1	65,3
Қишлоқ хўжалиги	0,2	2,0
Қурилиш	0,0	0,7
Транспорт ва алоқа	26,3	21,9
Савдо ва умум овқатланиш	0,0	0,0
Бошқа тармоқлар	10,3	0,7
Ноишлаб чиқариш йўналишлари	18,1	9,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

2008 йилнинг тахлил қилинаётган даври мобайнида иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби сезиларли ўзгарди. Ишлаб чиқишга йўналтирилган жами хорижий инвестициялар улуши 90,6%ни ташкил этиб, 8,7 фоиз даражага ортди. Жами хорижий капиталдан саноат ва қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг улуши 65,3 % ва 2,0 % гача ортиб, 20,2 ва 1,8 фоиз даражага кўпайди. Транспорт ва алоқа хорижий инвестицияларнинг улуши 4,4 фоиз даражага пасайди ва жами инвестицияларнинг улуши 21,9 %ни ташкил этди.

Тармоқларга янги киритилган инвестициянинг иқтисодий ўсишдаги улушини аниқлаш, инвестициянинг тармоқлараро тақсимотини такомиллаштириш имкониятини беради. Буни ўрганиш учун россиялик олим Е.В.Балацкий томонидан ёзилган эконометрик формуладан³¹ фойдаланиш

³¹ Балацкий Е.В. Иностранный бизнес и его влияние на экономику страны реципиента. // Мировая экономика и

мумкин. 1996-2004 йиллар статистик маълумотларига асосланиб, эконометрик формула асосида ҳисоб-китобларни амалга оширамиз ва натижани 2-жадвалда кўрсатамиз.

Тармоқларга янги киритилган инвестицияларни иқтисодий ўсишга қўшган ялпи ўртача йиллик улуши эса, 39,98 фоизга тенг бўлган. Юқоридаги кўрсаткичлар иқтисодий ўсиш суръатини 100 фоиз деб олинган ҳолатдаги миқдорини ифодаламакда. 1996-2006 йиллардаги иқтисодий ўсишни ўртача йиллик ўсиш суръати 4,42 фоизга тенг бўлган бўлса, ундан 1,9 фоиз тармоқларга янги киритилган инвестиция ҳиссасига тегишлидир. 1996-2006 йилларда ўртача саноат тармоғига киритилган янги инвестицияларнинг иқтисодий ўсишдаги суръати 0,34 фоизни, қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 0,62 фоизни, қурилиш тармоғидаги бу кўрсаткич 0,12 фоизни, хизмат кўрсатиш тармоғидаги кўрсаткич 0,82 фоизни ифодалаган.

Янги киритилган инвестициялар таркибида саноат тармоғини ўртача улуши 32,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини ўртача улуши 5,73 фоизга, қурилиш тармоғини ўртача улуши 0,48 фоизга, хизмат кўрсатиш тармоғини ўртача улуши 60,87 фоизга тенг бўлган. Саноат инвестициядаги улуши қишлоқ хўжалигини инвестициядаги улушига қараганда 5,6 баробарга юқори бўлган бўлса, саноат тармоғини иқтисодий ўсишдаги улуши қишлоқ хўжалигини иқтисодий ўсишдаги улушидан 1,84 баробарга кам бўлган.

Саноат тармоғини капитал қайтими тадқиқот даврида ўртача 22,1 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич саноатдаги капитал қайтимидан 10,9 баробарга ортиқ бўлган. Демак, қишлоқ хўжалигида янги киритилган инвестицияни иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси саноат тармоғига нисбатан капитал қайтими асосида баҳоланганда нисбатан самарасиз фойдаланилган бўлиб, уни иқтисодий ўсишдаги улуши фақат 1,84 баробарга ортиқ бўлганини ифодаламакда. Худди шундай қиёслашни бошқа тармоқларда ҳам кўриб ўтамиз. Қурилиш тармоғига киритилган инвестицияни ялпи инвестициядаги улуши

саноат тармоғидан 66,88 баробарга кам кўрсаткични ифодалаган бўлса, қурилишни иқтисодий ўсишдаги улуши саноат тармоғидан 2,66 баробарга кам кўрсаткични ифодалаган. Қурилиш тармоғини капитал қайтими ўртача тадқиқот даврида 55,54 га тенг бўлиб, саноат тармоғидаги капитал қайтимидан 27,5 баробарга ортиқ бўлган. Хизмат кўрсатиш тармоғига янги киритилган инвестициянинг улуши саноат тармоғидан 1,9 марта ортиқ бўлса, иқтисодий ўсишдаги улуши саноатдаги улушидан 2,45 баробарга ортиқ бўлган. Капитал қайтими хизмат кўрсатиш тармоғида ўртача 2,56 га тенг бўлиб, саноат тармоғини капитал қайтимидан 1,27 баробарга ортиқ бўлган.³² Демак, тадқиқот давридаги ўртача кўрсаткичлардан келиб чиқиб хулоса қилсак, қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестиция миқдорини ошириш керак, чунки бу тармоқда яратилаётган маҳсулот асосан қўп меҳнат асосида амалга оширилади.

2.2.3-жадвал.

Мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати.

Тармоқ	Шартномалар сони	АҚШ Млн.долл.	Шартномалар сони	АҚШ млн долл.
	2008		2007	
Қурилиш	5	16,9 ортиқ	5	18,25
Текстиль	5	165,4	1	-
Телеалоқа	3	276,8	1	10
Электрознергетика	3	31,7	1	24
Энергия	3	14,5	-	-
Банк	2	8,9	2	32 ортиқ
Озиқ-овқат	2	38,17	2	8,21
Кимё	2	2,2 ортиқ	1	-
Нефть-кимё	1	-	1	4,27
Машинасозлик	-	-	1	100
Бошқа тармоқлар	4	4,256	1	-
Жами	30	558,8	15	196,7

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2007-2008 йй.

Юқоридаги жадваладан кўришимиз мумкинки, 2007 йилда йилда қурилиш тармоғида 5 шартнома имзоланган бўлиб, бу ўз навбатида 18 млн сўмни ташкил этади. 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 16 млн сўмни ташкил этади. Телеалоқа тармоғида эса 10 миллион АҚШ доллари 266,8 миллионга

³² Т.Қодиров. О.Баракаев. Инвестицияланган капитал даромадлиги ҳисоботи ташкил этиў. «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2007 №4 сон, 40 бет.

ошганлигини кўришимиз мумкин. Озиқ-овқат тармоғида ҳам 29,96 миллион сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Жами 15 шартномадан 30 тага чиққанлигини ва 196,7 миллион АҚШ долларида 558,8 миллион сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Киритилган инвестиция ҳажми ялпи маҳсулотдан ўта кичиклиги туфайли капитал қайтими ўта юқори кўрсаткичга тенг бўлмоқда. Қурилиш тармоғида ҳам капитал қайтими ўта юқори, унга ҳам инвестиция киритиш ҳажмини ошириш асосида капитал қайтимини меъёрий ҳолатга келтириш керак. Умумий ҳолда, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида капитал қайтимини ўстириш керак, бунинг учун инвестицияни асосан илм талаб соҳаларга йўналтириш зарур. Бунинг оқибатида замонавий ишлаб чиқариш воситалари ортиб, ишчи кучига тўғри келадиган капитал ҳажми ўсади ва ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар миқдори ҳамда сифати ортади.

Инвестицияларни мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини таҳлил қилиб ўтган бўлсак, энди инвестицияни секторлар бўйича даражасини иқтисодий ўсишга таъсири прогнозини ишлаб чиқиш асосида таҳлил қилиб ўтамиз. Прогноз учун олинadиган дастлабки маълумотлар аввалги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичларга асосланиб олинади. Прогнозда янги киритилган инвестициянинг иқтисодий ўсиш даражасидаги улуши келтирилган бўлиб, уни аниқлашда Балацкий томонидан киритилган эконометрик моделдан ³³ фойдаланилади. Унда оралик, маҳсулот, капитал қайтими (хорижий ва миллий сектордаги), жамғарма меъёри ва хорижий инвестицияларни ялпи инвестициялардаги улуши кўрсаткичлари аввалдан ишлаб чиқилади. Оралик, маҳсулот даражасини аввалги йилдаги ҳолати асосида 50 фоиз деб оламиз. Жамғарма меъёрини эса 2002-2006 йиллардаги қийматидан келиб чиқиб ўртача 2,78 фоиз ортиб бораётганини ҳисобга олиб, ҳар кейинги давр учун 2 фоиздан ошириб борамиз. Унга асосан жамғарма меъёрини тенглама асосида

³³ Балацкий Е.В. Иностранный бизнес и его влияние на экономику страны реципиента. // Мировая экономика и международные отношения. Формула №15. 1999. № 6. с. 82-91.

ҳисоблаб топамиз. Миллий сектордаги капитал қайтими 2005 йилдаги 5,79 дан 2006 йилдаги 5,48 га қисқаришини ҳисобга олиб, ўртадаги фарқ 0,20 бирликка пасайтириб борилади, хорижий сектордаги капитал қайтимини 2005 йилдаги 2,84 дан 2006 йилда 3,23 га ўзгарганини ҳисобга олиб ўртадаги фарқ, 0,30 бирлик асосида ошириб борилади.

А-булимда миллий секторни ялпи инвестициядаги улуши ўсувчи деб қаралса, В-бўлимда хорижий инвестицияни ялпи инвестициядаги улуши ўсувчи деб қаралади. Охирги йилги маълумотдан кўрдикки, 2004 йилда ялпи инвестициядаги миллий инвестицияни улуши 79,6 фоиздан 2005 йилда 73,7 фоизга камайган бўлса, мос ҳолда капитал қайтими 5,3 дан 5,79 гача ортган. 2004 йилда хорижий секторни ялпи инвестициядаги улуши 20,4 фоиздан 2005 йилда 26,3- фоизгача ортган бўлсада, капитал қайтими мос равишда 3,37 дан 2,84 гача қискарди. Худди шундай капитал қайтими ва инвестицияларни улушидаги ўзгаришлар ҳаракати ўртасидаги тесқари боғланиш 2006 йилга келиб ҳам кўзатилади.

2006 йилда миллий секторни ялпи инвестициядаги улуши аввалги йилдаги кўрсаткичдан ўсиб, 75,5 фоизга тенг бўлган бўлса, капитал қайтими эса қисқариб, 5,48 бирликка тенг бўлган. Хорижий секторни ялпи инвестициядаги улуши қисқариб 24,5 фоизни ифодалаган бўлса, капитал қайтими эса 3,23 бирликкача ўсган. Шулардан келиб чиқиб А-бўлимда хорижий секторни ўсишини 2 фоиз деб олсак, В-бўлимда миллий инвестицияни йиллик ўсишини 0,5 фоиз деб оламиз. Юқоридагиларга асосланиб 1-вариант прогнозини ишлаб чиқамиз ва натижани 3-жадвалда ифодалаймиз.

Прогнозни А-бўлимида миллий секторни инвестициядаги улуши ҳам, капитал қайтими ҳам камаювчи кўрсаткич сифатида олинди, унинг иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврдаги 64,42 фоиздан 5-даврда 60,45 фоизга камайди. Хорижий секторни инвестициядаги улуши ҳам, капитал қайтими ҳам ўсувчи деб олинади, унинг иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврдаги 15,53 фоиздан 5-даврда 33,62 фоизгача ўсди. Прогноз натижаларининг кўрсатишича,

капитал қайтимини камайиши оз миқдорда секторни инвестициядаги улушини камайиши билан биргаликда кузатилса, уни иқтисодий ўсишдаги улуши кескин камаювчи ёш, аксинча, кескин ўсувчи ҳолат кузатилад экан.

Прогнознинг В-бўлимида миллий секторни инвестициядаги улуши усувчи деб олинган бўлсада, капитал қайтими камаювчи катталиқ деб олинди. Шунга мос прогноз натижаси миллий секторни янги киритилган инвестициясини иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврдаги 66,61 фоиздан 5-даврда 71,98 фоизгача ўсиб борди. Хорижий секторни инвестициядаги улуши камаювчи деб олинган бўлса, капитал қайтими усувчи қиймат сифатида қаралди, Шунга мос прогноз натижасида хорижий секторга янги киритилган инвестициями иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврдаги 14,06 фоиздан 5-даврда 21,44 фоизгача ўсди. Икки секторни бу кўрсаткичлари кузатилганда, миллий сектордаги ҳар кейинги даврда қўшилаётган улуш 2-даврда 1,79 фоиз, 3-даврда 1,49 фоиз, 4-даврда 1,2 фоиз, 5-даврда 0,89 фоизларни ифодалаб камаювчи ҳолатни акс эттирди. Хорижий секторда эса кейинги даврдаги ортиб бораётган улуш 2-даврда 1,78 фоиз, 3-даврда 1,83 фоиз, 4-даврда 1,87 фоиз, 5-даврда 1,9 фоизларни ифодалаб ўсувчи ҳолатни акс эттирди. Демак, секторларни иқтисодий ўсишга қўшадиган улуши инвестициядаги улушига нисбатан капитал қайтими кўрсаткичига кўпроқ, боғлиқ, экан. Чунки хорижий секторни инвестициядаги улуши камаювчи, капитал қайтими ўсувчи деб олинди, унинг иқтисодий ўсишдаги улушини кейинги даврдаги ҳиссаси ўсувчи эканлигини кузатдик. Миллий секторда инвестицияни улуши ўсувчи, капитал қайтими эса камаювчи деб олинди, унинг иқтисодий ўсишдаги улушини кейинги даврдаги улуши ҳам камаювчи ҳолатни ифодалади. Агар прогнозни худди шу миллий секторни капитал қайтимини камаювчи ва миллий секторни инвестициядаги улушини ўсувчи деб давом эттирилса (хорижий секторни капитал қайтимини ўсувчи, инвестициядаги улуши мос ҳолда камаювчи) миллий секторга янги киритилган инвестицияларни иқтисодий ўсишдаги улуши камайиб бориши кузатилса, хорижий секторни бу кўрсаткичи ўсиб боради.

Агар А ва В бўлим прогноз вариантларини солиштирадиган бўлсак, А-

бўлимда янги киритилган инвестицияларни иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврда 79,95 фоиздан ўсиб бориб 5-даврда 94,07 фоизгача етган. В-бўлимда янги киритилган инвестицияни иқтисодий ўсишдаги улуши 1-даврда 14,06 фоиздан 5-даврда 93,42 фоизгача ўсган. А-бўлимда кейинги даврдаги кўшилган улуш 2-даврда 3,19 фоизга, 3-даврда 3,37 фоизга, 4-даврда 3,63 фоизга, 5-даврда 3,93 фоизга ортиб борган. В-бўлимда бу кўрсаткич 2-даврда 3,57 фоизга, 3-даврда 3,32 фоизга, 4-даврда 3,07 фоизга, 5-даврда 2,79 фоизга тенг бўлган. Кўрдикки, А-бўлимда кўшган улуш ўсувчи, В-бўлимда улуш эса камаювчи ҳолатни ифодалади. Демак, биринчи навбатда ҳар иккала секторни капитал қайтимини ўстириш зарур бўлса, иккинчи навбатда эса хорижий секторни инвестициядаги улушини ўстириш зарур экан,

Юқоридагиларга асосланиб ҳулоса қилсак, капитал қайтими ўсувчи қийматга эга бўлса, янги киритилган инвестицияларни иқтисодий ўсишдаги суръати ҳам ўсувчи ҳолатни ифодалайди. Яъни, ўсиш суръатидаги инвестицияни улуши энг аввало, капитал қайтимига боғлиқ экан. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, иқтисодиётдаги тармоқларни капитал қайтимини ўстириш зарур. Шу билан бирга, реал ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция киритишни кучайтириш керак. Бунинг натижасида бир томондан, бозор истеъмол товарлари билан тўлдирилса, иккинчи томондан, аҳоли реал даромади ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва бандликнинг ошиши асосида ўсади. Айниқса, инвестиция сиёсатини амалга оширишда бевосита хорижий инвестицияларни киритишни рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Бунда асосий эътибор - инфляцияни пасайтиришга, реал фоиз ставкасини қисқартиришга ҳамда банкларнинг ҳисоб ставкаларини камайитишга қаратилмоғи даркор.

III-боб. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар фаолиятини иқтисодий самарадорлиги: ютуқлар, камчиликлар, истиқболлар.

3.1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш истиқболи: мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этиш.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўлларини Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.³⁴

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда қўшма корхоналар тузишдан асосий мақсад эса қуйидаги кўринишдаги иқтисодий тангликлардан чиқиб кетиш ва республикамиздаги мавжуд хўжалик ва молиявий аҳволни барқарорлаштириш;

³⁴ Каримов Н., Ангелиди М. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. -Т.: Тошкент Молия институти, 2005. - 96 б.

фан-техника тараққиётининг ҳозирги замон талабига мос илмий билимларнинг, техника ва технологияларнинг кенг суръатда ёйилиши, бу эса ўз навбатида, ишчи-ҳодимларнинг касб ва малака маҳорати даражаси ошишига замин яратиш;

янги очилган қўшма корхоналарда ишчи ўринларини яратиб, ишсизлик муаммосини нисбатан бартараф этишга кўмак бериш; давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириб, бюджет тақчиллигини олдини олишга эришиш;

рақобатбардош бозор муносабатларини шакллантириш;

монополиянинг олдини олиш ва бартараф қилиш;

импорт товар ва хизматлар салмоғини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир.³⁵

Ҳар қандай хорижий инвестор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона тузишга рози бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам иқтисодий-ижтимоий самара олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

Четдан жалб қилинаётган маблағларнинг етарли даражада самарали эмаслиги ва кейинги пайтда кузатилаётган унинг янада пасайиш хавфи жавоб чораларини кўришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги маълумотига кўра, 2006 йилда асосий сармояга қилинган инвестициялар 503 миллиард сўмни ташкил этди,

³⁵ Носиров Э., Каримов Р. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялаш объектини танлашнинг замонавий усуллари// Иқтисодиёт ва таълим, 2003. 4-сон, - 49-576.

шунинг 23 миллиард сўмни чет эл инвестицияларидир.³⁶

Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди. Республикамиз халқ хўжалиги тармоқларига сарфланган хорижий капитал 2007 йилда 518,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2008 йилда салкам 600 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Чет эл инвесторлари учун энг ўзига жалб этадиган соҳа сифатида нефть-газ, транспорт ва алоқа тармоқлари бўлиб қолмоқда.

2007 йилнинг январь - март ойларида инвестициялар иқтисодиётнинг ўзак тармоқларига(саноат, транспорт, алоқа) жалб қилинди, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларнинг 85,7 % гача ортишига сабаб бўлди. Ўтган йилнинг худди шу даврида мазкур кўрсаткич 82,7 ни ташкил этган эди. Мазкур тармоқларнинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди ва инфраструктуранинг шаклланишини тезлаштиради.

Эришилган ютуқлар билан бирга бу борада тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Бунинг яққол мисоли бўлиб, мамлакатни инвестиция иқлими ҳолатини белгилайдиган асосий кўрсаткич бўлган, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг етарли даражада кўпаймаганлигини кўрсатиш мумкин.

Хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш чоралари.



3.1.1-чизма.

³⁶ Инвестиционный климат. <http://www.ckat.ru/normdoc/pbu13/pbu13g2.htm>

Шу нуқтаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:³⁷

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва муаммолар ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, ҳудудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очик мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Инвестициялар оқими (нафақат хорижий, балки кўп томонлама ички инвестициялар тааллуқли) таъсир қилувчи омилардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини заиф олиб борилаётгани, натижада кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда қолдиқ бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ, ечимини изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга нисбатан соғлом талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида ҳолис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши

³⁷ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал.

йўлга кўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентлари ташкил қилиниши лозим.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни такомиллаштириш, хорижий капитални жалб қилиш учун қулай макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш бўйича иш олиб бориш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш, инфляциянинг инвестицион лойиҳаларни қийматини ўсишига таъсирини камайтириш, хорижий инвестициялар таркибида бевосита хорижий инвестициялар миқдорини кескин кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, биринчи навбатда, хом ашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш лозим.³⁸ Бугунги кунда Республикада кўплаб хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар фаолият олиб бормоқда.

3.1.1 – жадвал.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (2008 йил)

Жами корхоналар сони шу жумладан:	4312
2008 йилда янгитдан ташкил этилган корхоналар сони	673
Фаолият юритаётган корхоналар сони	3995
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1589
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	317
Корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси (млрд.долл)	5,9
Умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши (%)	31,4

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси.


2008 йилда жами корхоналар сони 4312 тани ташкил этган бўлса шулардан фаолият юртаётганлар сони 3995 та ва фаолият кўрсатмаётганлар

³⁸ Каримов И.А «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик».-Т.: «Ўзбекистон», 2005 й.

сони 317 тадир. Ташқи иқтисодиёт билан шуғулланаётган корхоналар бугунги кунда 1589 тадир. Уларнинг умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши 31,4 фоизни ташкил этади. Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини янада кўпроқ жалб қилиш истиқболдаги асосий вазифалардан биридир. Бу муоммони мажмуавий (комплекс) тадқиқот қилиш, яъни биринчи ўринда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш ва келажак истиқболини белгилаш катта аҳамият касб этади.³⁹

Шу мунособат билан чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш йўллари белгилаб олиш жуда муҳимдир. Инвестицияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодиётига кириб келиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос катализатори бўлиб хизмат қилади. Гап фақат унинг базасида янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда эмас, гарчи бу жуда муҳим бўлса ҳам. Лекин, инвестицияларнинг илгари етарли даражада ишлатилмаган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат потенциалларининг хўжалик жараёнига қўшилишини жадаллаштирувчи омил сифатидаги вазифаси муҳимроқдир.

Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

3.1.1- диаграмма

³⁹ Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов. Учебное пособие, Т.: Ташкентский Финансовый институт, 2000, 88 стр.

Асосий капитал 2000 йилда 100,9 фоизни, 2001 йилда 104 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 0,5 фоизга ўсган. 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 123 % ни ташкил этиб 2008 йилда 5,3 фоизга ўсганлигин кўришимиз мумкин

Чет эл сармоясидан фойдалансада, ҳар қандай мамлакат аввало ўз иқтисодиётини мустақил иқтисодиёт сифатида ривожлантиришга интилади. Шундай қилиб, ушбу вазиятда маълум қарама-қаршилик мавжуд: миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини чет эл инвестицияларини жалб қилиш шарт-шароитлари билан қандай қилиб мослаштириш мумкин? Бу муаммони бутун бошли ташқи иқтисодий алоқалар турларини қўллаган ҳолда ҳал этиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун ушбу масалага иккала томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва чуқур мулоҳаза асосида ёндашмоқ лозим.

Чет эл инвесторлари нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласидир. Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодиётига энг янги жаҳон илмий- техникавий ютуқлари, технологиялари кириб келиши учун муҳим канал сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларинининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради.

Қўшма корхоналарни солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаси, тури, солиқ солиш объекти, солиқ имтиёзларини мукамал ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш, республикамиздаги мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олиб, уларни ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатга инвестицияларни жалб этиш бўйича кўплаб ишлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

**2004 -2008 йиллар мобайнида инвестицияларнинг амалга оширилиши
(млн.АҚШ доллари)**

№	Манбалар	2004	2005	2006	2007	2008
	Жами инвестициялар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1	Марказий инвестициялар, шу жумладан	43,6	36,4	31,8	23,4	22,5
1.1	Бюджет маблағлари	25,5	17,0	14,9	12,8	10,7
1.2	Бюджетдан ташқари маблағлар	1,4	0,4	2,4	4,7	6,9
1.3	Давлат кафолати остида	16,8	19,1	14,5	6,0	5,0
2	Марказлашмаган инвестициялар, шу жумладан	56,4	63,6	68,2	76,6	77,5
2.1	Корхоналар маблағлари	38,3	41,9	43,2	48,7	48,3
2.2	Тижорат банклари маблағлари	2,2	2,6	2,6	2,9	3,4
2.3	Тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар	3,9	7,3	10,0	13,2	14,1
2.4	Аҳоли маблағлари	12,0	11,8	12,4	11,8	11,7

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2004-2008 йй.

Марказий инвестициялар 2004 йилда 43,6 миллион АҚШ долларини ташкил этганини, бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 22,5 миллион АҚШ долларини ташкил этганини кўришимиз мумкин. Агар 2004 йил чет эл инвестициялари ва кредитлар иштирокида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг 82 фоизи давлат кафолати остида бўлган бўлса, 2008 йил кафолатланмаган инвестиция лойиҳаларининг салмоғи 76 фоизни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар 2004 йил 56,4 миллион АҚШ долларини, бу кўрсаткич 2006 йил 68,2 миллион АҚШ долларини 2008 йилда эса 77,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар қаторига корхона маблағлари 2008 йилда 8,3 миллион АҚШ долларига ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қоидаларга риоя қилишини кафолатлаш жуда муҳимдир. Ғарб экспертлари хулосасига кўра, чет эл кредитлари ва

инвестицияларини қонунчиликдаги ўзгаришлар, солиқ сиёсати ва бошқа хатарлардан суғуртавий ҳимоялаш чет эл сармоясини гаров суммасидан 3-4 марта кўп миқдорда жалб қилиш имконини беради.⁴⁰

Чет эл инвесторлари билан биргаликдаги қўшма тадбиркорлик ҳаракатига доир лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун республикада адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоғи даркор. Республика халқ ҳўжалиги тармоқларига туғридан-туғри кириб келаётган чет эл инвестициялари ҳажмининг ортиш эҳтимоли бундай чора-тадбирлар аҳамиятини янада оширади. Хорижий сармояни жалб қилиш ва фойдаланишдаги муҳим муаммолардан бири-бу инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кузлаган ҳолда танлашдир.

Қўшма корхоналар фаолият юритишдаги яна бир муҳим муаммо бу миллий валютада сўмни барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бугунги энг муҳим вазифа валютада бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш - умуммиллий вазифа. Республикадаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ».⁴¹

Бу муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича республика ҳукумати томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, яъни республикада валюта сиёсатини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Хусусан, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш ишлари бажарилмоқда. Қилинаётган ишлардан асосий мақсад эса жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш

⁴⁰ Ваҳобов А, Бурҳонов У, Жумаев Н. «Чет мамлакатлар молияси» Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003 й.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлар ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 10 феврал, № 28 сон б.2.

учун зарур шарт-шароитлар яратишга эришишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун:

биринчидан, миллий валютанинг тўла конвертациялашувига ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш;

иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шахобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шахобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш;

учинчидан, айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма-босқич камайтириб бориш зарур. Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқарувчи профессионал лойиҳа инжиниринг компанияларининг санокли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Ғарб олимлари Хансон ва Гаррисон (1995), Финстер ва Хансон (1996), шунингдек, Эйткен ва бошқалар (1996) сўнгги изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий компаниялар ишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилишади.⁴² Марказий Осиё регионида юқори малакали ишчи кучи орасида ишсизлик даражаси паст. Қўшма корхоналарда иш ҳақи миллий корхоналардагига нисбатан юқори даражада бўлганлиги сабабли миллий корхоналардаги малакали ишчи ва хизматчилар қўшма корхоналарга ишга ўтади. Миллий корхоналарда ишлаб чиқариш даражаси маълум даражада пасайиши ҳисобига қўшма корхоналардаги ишлаб чиқариш

⁴² Клас Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель. -М.: «Экономика». 1991 г. -96 стр.

даражаси ошмоқда. Демак улар орасида тескари боғлиқлик вужудга келмоқда. Бу ерда шундай муаммо юзага келмоқдаки ишчи ва хизматчиларни малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ошмоқда. «UzDaewoo auto» қўшма корхонаси фаолиятига назар соладиган бўлсак, бу корхона 1996 йилда ишга тушди. Корхонада малакали мутахассисларга бўлган талабни қондириш мақсадида танлов асосида ишга қабул қилинган ишчилар Жанубий Корея республикасида «Daewoo auto»нинг бош компаниясида ўз малакаларини ошириб келишди. Кўпчилик компаниялар «Daewoo» трансмиллий корпорацияси сингари кадрларга бўлган эҳтиёжини бу йўл билан қондира олмайди. Малакали кадрлар тайёрлаш ҳукумат даражасида ҳал қилиниши даркор. 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бу борадаги катта қадам бўлди.

Ҳозирги пайтда республикада инвестицион лойиҳаларни дастлабки ғоядан асосланган ҳолатдаги ҳужжатга айлантириш, барча зарур ҳужжатларни тайёрлашга ихтисослашган маслаҳат-инжиниринг компаниялари сони жуда кам. Уларнинг аксарияти давлат тасарруфидаги лойиҳа инжиниринг компанияларидир.

Ушбу компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмас. Улар хорижий молиявий институтлар шартларига мос келмайди, уларнинг экспертизада лойиҳанинг асосланмаган томонлари-камчиликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу лойиҳа ҳужжатларининг асосли равишда тайёрланмаганлиги, ҳисоб-китобларда ноаниқликлар мавжудлиги билан изоҳланмоқда.

Маълум бир компания хизматларининг ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилиши бозор муносабатлари шартларининг бузилиши, рақобат муҳитига путур етиши, энг асосийси кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келади.

Ушбу соҳада нодавлат ташкилотлари-хусусий сектор улушининг ортишига йўл бериш нафақат юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ечилишига,

балки тадбиркорлар учун ҳозирги замон илғор технологияларини излаб топиш, ташқи бозорга чиқиш, хорижий инвесторлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар яратилишига олиб келади. Республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган ташқи таҳдиднинг сақланиб келаётганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг ушбу сўзларини эслаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз: «Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири булиб келмоқда, фарқ фақат шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик, барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда».

Мамлакатдаги тинч ҳаётга таҳдид солаётган минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, коррупция ва жинойтчилик каби хавфлар республикамизда фаолият юритаётган инвесторларда мамлакатимиздаги инвестицион ҳолатга нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатда телекоммуникация ва алоқа тармоқлари жаҳон стандартларига жавоб бера олмаслиги, реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик мавжудлиги ҳам хорижий инвесторлар фаолият юритишига муайян тўсиқ бўлади.

Ушбу муаммони барҳам топтириш мақсадида президент фармонида «ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумот базасини яратиш» белгилаб берилган. Алоқа борасидаги муаммоларни ечишда амалий қадам сифатида 1992-1996 йилларда телекоммуникацияларни тиклаш ва ривожлантириш махсус дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда Жанубий Кореянинг «Samsung» ва «Daewoo» компаниялари фаол иштирок этди.

Натижада, халқаро алоқаларнинг илгари ишлаб турган 13 линияси

ўрнига 150 дан ортиқ линияси ташкил этилди. Улар туфайли 6 та Европа мамлакатлари ва Япония билан бевосита алоқа ўрнатилди.⁴³

Маҳсулот бозори, нуфузли рақобатчиларнинг нарх ва ишлаб чиқариш сиёсати, хом ашё материалларига бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.⁴⁴

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси кўплаб мамлакатлар билан ташқи фаолиятини олиб бормоқда.

3.1.3 -жадвал

**Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг бошқа давлатларга экспорт ва импорт хажми.
(млн. АҚШ долл.)**

	Экспорт	Импорт	Республикадаги товар айланмаси улуши	2007 йилга нисбати %
Россия	1661,7	1166,4	26,2	137,3
Туркия	576,9	413,9	6,7	138,8
Қозоғистон	304,7	341,4	6,7	139,1
Хитой	356,6	37,9	6,5	143,8
Ироқ	620,6	254,1	6,1	142,5
Украина	361,2	568,2	5,7	186,0
Корея	44,8	246,9	5,7	108,6
Германия	77,1	70,3	3,0	99,4
Буюк Британия	184,4	126,4	2,4	59,2
АҚШ	119,1	16,0	2,3	93,7
Тожикистон	169,9	44,8	1,7	119,8
Франция	87,2	38,1	1,2	99,5
Қирғизистон	74,4	31,2	1,0	154,7

⁴³ «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2003 й. 19 декабрь.

⁴⁴ Жумаев Н, Бурхонов У. «Молиянинг долзарб муаммолари», Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003.

Латвия	72,2	16,0	1,0	86,7
Япония	27,2	43,2	0,8	82,9
Беларусия	9,7	60,9	0,7	113,9
Швейцария	31,4	33,5	0,7	37,3
Хиндистон	12,7	46,7	0,6	97,2
Озербайжон	50,2	6,7	0,6	41,9
Италия	14,0	36,7	0,5	58,8
Белгия	23,4	22,0	0,5	68,5
Туркменистон	33,7	13,3	0,4	90,9
Нидерландия	19,9	20,3	0,4	63,4
Австрия	2,1	41,2	0,4	91,5

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2007-2008 йй.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг импорт ва экспорт айирбошлаши биринчи ўринда Россия давлати биландир. Россиянинг экспорти 1661,7 млн АҚШ долларни ташкил этади. Кейинги ўринларда Туркия, Қозоғистон ва Хитойни кўришимиз мумкин. Туркиянинг Республикада товар айланмасидаги улуши 6,7 фоизни ташкил этади.

Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний-ҳуқуқий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари суств кечмоқда. Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари томонидан республикада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш қонуний базасининг тўғри амалга оширилишини суств назорат қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида қонун устуворлигига тўла риоя этиш талаб этилади. Жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти тартибга солиш ҳуқуқий базасига риоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилмаслик ва ҳимоя қилиш ўзаро келишувлар ва шартларнинг бажарилишига олиб келади. Аҳоли иқтисодий саводхонлик даражаси талаб даражасида эмаслиги, жамиятнинг хорижий инвесторларга бўлган мунособатининг етарли

даражада шаклланмаганлиги аҳолида, маҳаллий ишбилармонларда хорижий инвесторларга бўлган жиддий муносабатнинг шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда. Кўпгина ишбилармонлар, хорижий капитал иштирокида маълум бир лойиҳани амалга оширмоқчи ва ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорларда хорижий инвесторларга бўлган эскича муносабат ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Бу собиқ иттифок салбий асоратларидан бири ҳисобланади. Яъни кишиларда чет давлатдан келган шахслар (жумладан инвесторлар) ҳар томонлама юқори даражада ривожланган ва айниқса иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкам, деган фикр сақланиб келмоқда. Хорижий инвесторлардан маблағларни иложи борича кўпроқ жалб этиш, инвестиция кайтишига катта аҳамият бермасликка интилиш кучли бўлмоқда.

Хорижий инвесторлар маблағлари бу кичик ва ўрта бизнес субъектларига бериладиган беғараз инсонпарварлик ёрдами эмас. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор лойиҳанинг молиявий режасини тузишда хорижий инвестор ўрнида ўзини ҳис қилиши ва шунга яраша маблағлар ҳаракати прогнозини тўғри ҳисоблаб чиқиши зарур. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестор ҳам маҳаллий ҳамкорга ўхшаб, маълум вақтдан сўнг фойда олиш мақсадида маблағларини маълум бир соҳага жойлаштиради. Агар у инвестиция рентабеллигига эришмаса, лойиҳадан кўзланган фойдани олмаса, хорижий инвесторнинг лойиҳага бўлган қизиқиши сусаяди. Бу бошқа инвесторларнинг республикамизда кичик ва ўрта бизнес соҳасига бўлган фикри, муносабатига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, республикамизда ўз иш фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хорижий инвесторларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги, жумладан, қўшма корхона низом жағармасига ўз вақтида бадалларни киритмаслиги, бадал киритиш ва асбоб-ускуна етказиб бериш бўйича кафолатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги, асбоб-ускуна етказиб бериш ва монтаж қилишда камчилик ва хатоларга йўл

қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Албатта, республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг барча босқичларининг муваффақиятли рўёбга чиқиши хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истикболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узок муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолди.

Хорижий инвестициялар фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда ҳам қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадilar. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди»⁴⁵, дейилган. Бизнингча, бу ерда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қайси қисми лицензияланмаслиги ва квоталанмаслиги тўғрисида аниқлик киритиш зарур.

Республикада хорижий фирмалар ва қўшма корхоналарни имтиёзли равишда солиққа тортишнинг эътиборга лойиқ ҳуқуқий асоси яратилди, инвестиция ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга доир бошқа чоралар қурилди. Аммо, хорижий капитални жалб қилиш ҳозирча етарли эмас, хорижий капиталли компанияларни очиш ишида бир қатор камчиликлар мавжуд, валюта алмаштириш операцияларида номукаммаллик ва чекланганлик, тадбиркорлик учун инфратузилмани такомиллаштириш (йўллар, алоқа, юқори тоифадаги меҳмонлар ва бошқалар), қатор маҳаллий хўжалик

⁴⁵ «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги қонуни.-Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-1998 йил №19. 152-159- бетлар

тузилмалари томонидан имзоланган шартнома мажбуриятлари ва унга бўлган арбитраж йўқлиги муаммоси - Республика иқтисодий воқелигининг бошқа салбий жиҳатлари хорижий инвестицияни жадал жалб қилиш ва уни зудлик билан яхлит эркин иқтисодий ҳудудга айлантиришга ҳалақит бермоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармояни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз:

инвестиция лойиҳасининг мукамал тайёрланишига ва малакали экспертдан ўтказилишига эришиш; қўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муаммоларини қуйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва уларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизга жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

хорижий инвестицияларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда оғишмай бажарилиши;

солиқ қонунчилиги, солиққа тортиш ва божхона йиғимлари тизимини такомиллаштириш масаласи;

адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши;

инвестиция қуйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлаш; миллий валютаимиз сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш;

инвестицион лойиҳаларнинг ҳужжатларини тайёрловчи маслаҳат-инжиниринг компаниялари сонини кўпайтириш;

республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган ташқи таҳдид;

реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик;

телекоммуникация ва алоқа тармоқларининг жаҳон стандартларига тўлиқ

жавоб бера олмаслиги;

махсулот бозори, хом ашё материалларга бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги;

аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасининг пастлиги, хорижий инвесторларга бўлган муносабатнинг етарли даражада шаклланмаганлиги; баъзи хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ва ҳакозолар.

3.2. Хорижий инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.


Хозирги кунда моддий-техника таъминотининг марказлашган тизими барҳам топди, мавжуд ускуна ва технологиялар эскирди. Шулар туфайли рақобатбардош товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни капитал маблағлар билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган қатор муаммолари юзага келди.

Шу муносабат билан, мавжуд иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларда иқтисодиёт соҳаларига инвестицияларни, энг муҳими хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.⁴⁶

⁴⁶ МаматовБ., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма.ТМИ.-Т.: 2007 й.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш ва фаолият олиб боришда мамлакатимизга иқтисодий самарадорлик олиб келади:



3.2.1-чизма.

— янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ кутилиш имконини беради;

— янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

— жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши куйидаги

жиҳатларга боғлиқ:

— хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

— юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;

— экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;

— илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;

- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан тахлилий маълумотларни ўрганиш.

Инвестицияларни мамлакатга жалб қилишда ҳуқуқий асосларга таалукли ҳозирги вазифа — бу ҳукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узоқ, муддатли барқарор позицияларини шакллантириш ва уни потенциал

хорижий инвесторларга етказишдан иборатдир. Ана шу инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Ушбу факт ва рақамлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.⁴⁷


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг яқинда ўтган ўн учинчи ялпи мажлисида давлат инвестиция ва божхона сиёсатининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган янги қонунлар ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва

замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.⁴⁸ Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялардир.⁴⁹

Хорижий инвестициянинг жалб қилишнинг тармоқлар бўйича товар таркиби 1998-2008 й. (% да)



Манба: ЎзР статистика қўмитаси.

3.2.1-диаграмма.

Инвестиция дастури доирасида ўтган йили 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди, хорижий инвестициялар

⁴⁸ «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги қонуни.- «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси.-2004 йил 10 феврал. №6.

⁴⁹ А.Абирқулов. Минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб этиш. “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2007 16 сон, 40 бет.

иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди.⁵⁰ қўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда - енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир. Ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Булар Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чет эл инвестициясини жалб этишнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий, институционал тузилмалари ва инфратизимини яратиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини яққол тасдиқлайди. Айниқса, бунда қонуний кафолатларни яратиш алоҳида аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича

изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давомидир.⁵¹

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди.⁵²

Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда наинки чет эллик инвесторлар, айтиб ўтганда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд

⁵¹

⁵² «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги қонуни.- Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-1998 йил №19. 136-149- бетлар

этилганидек, жорий йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан қиймати 5,4 миллиард доллардан зиёд, жумладан, умумий қиймати тахминан 1,5 миллиард долларга тенг хорижий инвестицияларни киритиш кўзда тутилмоқда.⁵³

Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати 40 фоиздан ошади. Хорижий сармояларни киритиш ҳисобидан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик ўттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

3.3.Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар фаолиятига жаҳон молиявий инқирознинг таъсири

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида “... тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.”, -дея таъкидлайдилар. Чунки мамлакатимиз ҳам тобор жаҳон интеграциясига кириб бормоқда.⁵⁴

⁵³

⁵⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.. Т.: - Ўзбекистон, 2009.

2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари

Устувор йўналишлар	Асосий вазифалар	Эришилган натижалар
1-устувор йўналиш: Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш	- барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш; - иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш; - ишлаб чиқаришни модерни-зация қилиш ва янгилаш.	- иқтисодий ўсишнинг барқа-рор ва мутаносиб суръатлари таъминланди; - иқтисодиёт таркибий тузил-маси такомиллаштирилди; - ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ордди.
2-устувор йўналиш: Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш	- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш; - солиқ юкини камайтириш; - бозор инфратузилмаси муассасалари фаолиятини ривожлантириш.	- тадбиркорлар эркинлиги ва масъулияти кучайди; - инвестициялар ҳажми кўпайди; - иқтисодий субъектлар фао-лияти самарадорлиги ошди.
3-устувор йўналиш: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни жадал ривожлантириш	- кичик бизнеснинг таркибий тузилмасини яхшилаш; - кичик корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш.	- кичик бизнес соҳасида яра-тилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги яхшила-ниб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти кучайди.
4-устувор йўналиш: Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш	- ерларнинг мелiorатив ҳола-тини яхшилаш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш; - мелiorация ишларини мо-лиялаштириш механизмини	- ерларнинг мелiorатив ҳола-ти нисбатан яхшиланди; - мелiorация иншоотлари ҳолати яхшиланди; - мелiorация ишлари молия-вий
5-устувор йўналиш: «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш	- дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш; - таълим тизимидаги ислохотларни изчил давом эттириш.	- ёшларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш самараси ошди; - таълим тизимининг самарадорлиги ошди.

Манба: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.


3.3.1-чизма

Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон молиявий инқирозининг таъсири қуйидаги йўналишларда сезилмоқда.

- Жаҳон бозорида хом ашё товарлари баҳосининг пасайиши;
- Инқироз шароитида давлатларнинг ишсизликка қарши чора-тадбирлари.
- Инқироз даврида кредитлар баҳосининг қимматлашуви
- Инқироз шароитида Жанубий Шарқий Осиё давлатлари иқтисодиётидаги пасайиш.

Бироқ, ушбу таъсирнинг олдини олиш бўйича турли иқтисодий механизмлар ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Улардан энг асосийларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилган ПФ-4058-сонли Фармонида кўзда тутилган инқирозга

қарши чора-тадбирлар ҳисобланади.



Манба: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

3.3.2-чизма.

Ушбу Фармонга кўра, мамлакатимизда ушбу инқироз шароитида ва ундан кейинги босқичларда ҳам асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши белгилаб берилган.

- Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;
- Маҳаллий ишлаб-чиқарувчилар маҳсулотларига бўлган ички талабни рағбатлантириш;
- Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги инвестицион фаолликнинг ресурс базасини кенгайтириш ва ва ўсишини таъминлаш;

- Электр-энергетикаси соҳасини модернизациялаш, энергия сифимини қисқартириш ҳамда энергия тежамкорлик тизимини жорий этиш;
- Кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш ва бошқа катор вазифалар шулар жумласидандир.

Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни камраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда Каримов И.А. асарларида таъкидлаб ўтганларидей тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак деб таъкидлайдилар. Шунинг учун Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин⁵⁵: маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги; давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги; Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги; оқилona ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги; аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 27 б.

амалга оширилганлиги; давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазифалар олдида ҳимоясиз ва ночор ахволга солиб қўйганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларни узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва қанолатимиз бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлди.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларнинг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай ҳавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикаимиз банк тизими жаҳон молиявий инқирознинг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади.

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда.

2007-2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар миллий

иқтисодиётда жаҳон молия инқирозининг салбий таъсирини камайтириш имкониятини беради. Шу билан бирга, юртимиздаги барча кишилар, жумладан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳам бу борада ўзларининг ҳиссасини қўшиши зарур. Шунда мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса, қишлоқ жойларидаги кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бундан-да ижобий ўзгаришлар юз бериши табиийдир.

Хулоса.

Бугунги кунда республикага инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, республика экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвестициялаш манбалари орасида энг кўп самара берадигани, бу бевосита хорижий инвестициялар ҳисобланиб, улар мамлакатимизга чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини олиб киради. Бу эса, миллий иқтисодиёт ривожланиши ва жаҳон иқтисодий тизимида жадалроқ қўшилишни таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич, изчил олиб борилиши республикага инвестицияларни янада кўпроқ, жалб қилинишини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлайди.

Инвестициявий соҳага тегишли тамойиллар ва услублар ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада катта амалий тажриба йиғилган. Аммо ўтиш даври иқтисодиётида, бошқаришнинг маъмурий-режали тизимида қўлланилган услубларга нисбатан, инвестициявий лойиҳаларни баҳолашнинг умуман бошқа услублари қўлланилади.

Чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш қўшимча рағбатлантирилган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли равишда мамлакат, валюта, миллийлаштириш, реквизиция каби қўшимча қалтисликларга дуч келиш эҳтимоллигига эга.

Тадбиркорликка мойиллиги бор ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишни истаган ҳар бир субъект ўз интилишларини амалга ошириши учун, унга иқтисодий эркинлик ва фаравонликка эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган ва рағбатлантириб турадиган муҳит бўлиши шарт.

Маърузани тайёрлаш чоғида ўтказилган тадқиқот ва таҳлил қуйидаги муҳим хулоса ва тавсияларни ифода этиш имконини беради.

- Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари ижтимоий ва хусусий, айрим мамлакатлар, корпорациялар, халқаро молия институтлари, яқка инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлаш, уларнинг ўзаро нисбатларини келишиб олиш, уларни рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилайди ;

- Инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш уларни маблағлар билан таъминланиши борасида давлат томонидан чора-тадбирларнинг кўрилиши, уларни амалга ошириш учун етарли шарт-шароит яратишга ёрдам бериш;

- Стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларга чет эл кредитларини жалб қилишда давлат кафолатининг берилиши, уларни жалб қилишни осонлаштириб, инвестицияларни қисқа муддатларда, камхаражат ва паст фойз ставкаларида амалга оширилишини таъминлаш;

- Жалб қилинган хорижий сармояларни зарур бўлган иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш ҳамда республикаимиз ҳудудлари бўйича оқилona жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- Мамлакатимизда инвестиция сиёсати ислохотларнинг босқичма-босқичлик тамойилларидан келиб чиқиб, инвестицияларнинг асосий қисми маҳсулот экспортига мўлжалланган соҳаларга, ёқилғи-энергетика мажму-асига, нефт-кимё, олтин қазиб олиш, пахтани қайта ишлаш саноатига, қопланиш муддатлари қисқа бўлган ва катта маблағ талаб қилмайдиган юқори самарали инвестиция лойиҳаларига йўналтириш;

- Бозор иқтисодиёти шароитларида лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган молиявий оқимларни моделлаштириш, улар асосида интеграл кўрсаткичларни ва ташқи шароитлар ўзгаришига нисбатан кўрсаткичлар мустақамлиги баҳосини ҳамда унинг амалга оширилишини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ;

- Инвестициялар самарадорлигининг таҳлили даромад ва харажатларнинг таҳлиliga эмас, балки инвестициялар юзага келтирадиган пул оқимлари таҳлиliga асосланиш;

- Вақт омилига боғлиқ ҳолда, инвестициялар самарадорлиги таҳлили учун бухгалтерлик ва дисконт услубларини қўллаш;

Шуни кайд этиш мумкинки, мамлакатда инвесторларни жалб қилиш учун керакли ҳуқуқий-меъёрий муҳит шакллантирилган бўлсада, бозор инфратузилмаларининг фаолиятини такомиллаштириш, инфратузилмаларни ва коммуникацияларни ривожлантириш, хом-ашё ва энергия ресурсларига бўлган талабни бозор тамойилларига мувофиқ биржа савдолари орқали қаноатлантириш, товар-пул муносабатларини янада эркинлаштириш лозим бўлади.

Адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг қонун ва фармонлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Адолат», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни//Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 20 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 21 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони. Халқ сўзи. – 2002 йил 30 август.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг адабиётлари.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: - Ўзбекистон, 1995.
13. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
15. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-том.

16. Каримов И.А. Буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1998.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-том.
18. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-том.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузалари.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Ўзбекистон овози» газетаси, 2003 йил 18 феврал, № 20 б.2.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлар ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 10 феврал, № 28 сон б.2.
21. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал.

Бошқа муаллифларнинг адабиётлари.

22. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш, -Т.: Молия, 2002.
23. Абдуллаев Ё.А. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1997. – 272 б.
24. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов. Учебное пособие, Т.: Ташкентский Финансовый институт, 2000, 88 стр.
25. Ангелиди М.С. Организация кредитного процесса в коммерческих банках. -Т.: ТФИ. 1998, 22 стр.
26. Банковское дело и финансирования инвестиций. /Под редакцией Н.Брука. Институт экономического развития Всемирного банка, 1 том, 1,2-часть, 2-том 1,2-часть, 1995.
27. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. -М.: Банки и биржи ЮНИТИ, 1997. -613 стр.
28. Беренц В., Хавранек П. Руководство по оценке эффективности инвестиций, пер.с. англ. А.П.Белых, -М.:Инфра-М, 1995.
29. Бромович М. Анализ экономической эффективности капитальных вложений, -М.: Приор, 1995.
30. Ваҳобов А.В., Иброхимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик, -Т.:Шарқ, 2002, - 224б.

31. Газибеков Д., Сабилов О. «Лизинг и его развитие в Узбекистане». – Т.: Молия, 2001. – 131с.
32. Газибеков Д., Узаков А. Инвестиции (или проблемы их организации на уровне макроэкономики)//Иқтисод ва ҳисобот-1993.-№5.
33. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003 йил. 332 бет.
34. Гитман А.Дж.Джонк М.Д. Основы инвестирования. -М.:Дело, 1997.
35. Глазунов В.П. Финансовый анализ и оценка рисков реальных инвестиций. -М.:Финстатинформ. 2000.
36. Грачева М.В. Анализ проектных рисков.-М.1999.
37. Дерил Н. Принятие инвестиционных решений. Пер. с англ. - М.:ЮНИТИ, 1997.
38. Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. -М.: Финансы и статистика, 2001. – 400 с.
39. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма. -Т.:Шарқ, 2003. – 256 б.
40. Зель А. Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектор, - М.: 1996.
41. Идрисов А.Б., Картышев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. -М.: 1996.
42. Клас Эклунд. Эффективная экономика: шведская модель.-М.: «Экономика». 1991 г.-96 стр.
43. Ковалев В.В. Методы оценки и инвестиционных проектов, - М.:Финансы и статистика. 2001.
44. Ковалев В.В. и др. Инвестиции: учебник. -М.: изд-во Проспект, 2005. – 440 с.
45. Кныш М.И., Перекатов Б.А., Тютиков Ю.Т. Стратегическое планирование инвестиционной деятельности. Санкт-Петербург, 2001.
46. Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л.БРЮ «Экономика, принципы, проблемы и политика». 2 том, -М.:Республика. 1992. -388 стр.
47. Липсиц И.В., Коссов В.В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа -М.:-БЕК, 1996.
48. Лимитовский М.А. Основы оценки инвестиционных и финансовых решений. -М.: Дека, 1997.
49. Любишкин И.П. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий. М.: 1999.
50. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П. Финансовый анализ. -М.:Приф, 1996.
51. Роберт С. Пиндайк, Дэниел Л.Рубинфельд. Микроэкономика. Калифорнийский Университет, Беркли, пер. с англ., -М.:Дело, 2001. -807 стр.
52. Трифь А.А. Инвестиционная и кредитная деятельность коммерческих банков. -М.:ЭКА, 1997.

53. Узаков А., Носиров Э., Султанов М. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш (Ўқув қўлланма). Т.: Тошкент Молия институти. 2001, -85 б.
54. Узоқов А. Тижорат банкларида лизинг операцияларини ривожлантириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит, 2001. 7-сон.
55. Узаков А., Султанов М. Инвестиционные фонды в годы экономических реформ в Узбекистане.//Актуальные проблемы современной науки. №2, 2001. Москва.
56. Каримов Н., Ангелиди М. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. -Т.: Тошкент Молия институти, 2005. - 96 б.
57. Каримов Н. Инвестиция фаолиятида венчурли молиялаштириш. // Бозор, пул ва кредит, 2005. 7-сон.
58. Носиров Э. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари//Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, -Т. БМА, 2006. -24 б.
59. Носиров Э., Каримов Р. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялаш объектини танлашнинг замонавий усуллари// Иқтисодиёт ва таълим, 2003. 4-сон, - 49-57б.
60. Носиров Э.И. Актуальные вопросы развития операций коммерческих банков с ценными бумагами//Аспирант и соискатель (Москва), 2003. №3 (16). –с.30-31.
61. Носиров Э. Ўзбекистон тижорат банкларининг қимматли қоғозларини халқаро фонд бозорларига олиб чиқиш истикболлари// Иқтисодиёт ва таълим, 2005. 2-сон, - Б.97-100.
62. Хошимов Қ. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни суғурта орқали ҳимоялаш.//Бозор, пул ва кредит, 2002.№9-10.
63. Четыркин В.М. Финансовый анализ производственных инвестиций. -М.: 1998.
64. Шарифходжаев М. Годы равные векам. Уч.пос.,-Т.:ТФИ, 2002.
65. Шарп У., Александр, Дж.Бейли. Инвестиции. Пер. с англ.-М.:ИНФРА, 2000.-979 стр.
66. Шохаъзамий Ш.Ш. и др. Предприниматель на рынке ценных бумаг: вопросы и ответы. -Т:Адолат, 2002.-216.
67. Шохаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар. Тадбиркорлик қиматли қоғозлар бозорида: саволлар ва жавоблар, -Т.:Адолат, 2002 б.
68. Ғозибеков Д.Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.-Т.: Fan va texnologiya, 2004. -308 б.

Газета ва журналлар.

69. Сиддиқов А. Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги. «Бозор, пул ва кредит» журнали , 2007 №7-8 сонлар.
70. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. И.ф.д., профессор Д.Қозибеков умумий таҳрири остида .-Т.: Фан ва технология, 2004 й.

71. Титов В.И. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебник. М.: Дашков и К, 2005 г.
72. Кожухар В.М. Практикум оценка инвестиций: Учеб пособие. -М.: Изд. Торговая коорпарация. Дашка. 2005 г.
73. «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Ўзбекистон бюджет сиёсатининг устуворликлари. 2003 й. 28 август.
74. «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджет тўғрисида. 2003 й. 11 декабрь.
75. «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2003 й. 19 декабрь.
76. «Халқ сўзи». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи. 2003 й. 5 май.
77. «Деловой партнер Узбекистана» Инвестиционный форум Узбекистана 2003 г 6 май.
78. «Инвестиционный потенциал Узбекистана» Х. Х. Имомов 3-й Международной научно-практической конференции г. Самара 20-21 ноября 2006 года.
79. Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газета. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида ахборот. 2006 й. 19 декабр.
80. «Деловой партнер Узбекистана» Инвестиционный форум Узбекистана 2003 г 6 май.
81. Соболевская С.Ю. Таможенная пошлина.-М.: Бератор, 2003.-160 с.

Қўшимча адабиётлар.

82. Евсанко О.С. шпаргалка по инвестиции. Учеб. Пособие. -М.: ТК. Велби, 2004 г.
83. Котаюбов В.Ю. Инвестиционный потенциал хозяйственной деятельности: Макро экономический и финансово-кредитный аспекты. Учеб пос. -М.: МГИМО-Университет. 2004 г.
84. Царев В.В. оценка экономической эффективности инвестиций.- СПб.: петр, 2004 г.
85. Кожухар В.М. Практикум оценка инвестиций: Учеб пособие. -М.: Изд. Торговая коорпарация. Дашка. 2005 г.
86. [Areferat.ru :: Инвестиция - \(лекции\) http://areferat.ru/go/ref.php?id](http://areferat.ru/go/ref.php?id)
87. [Инвестиция http://www.nalogi.studentu.ru/index.phtml?uid](http://www.nalogi.studentu.ru/index.phtml?uid)
88. [Инвестиция. http://cultinfo.ru/fulltext/1/001/008/002/555.htm](http://cultinfo.ru/fulltext/1/001/008/002/555.htm)
89. [Инвестиция http://fem.grsu.by/Kafedry/KD/academic_process](http://fem.grsu.by/Kafedry/KD/academic_process)
90. Инвестиционные климит <http://www.buh.ru/documents.jsp?ParentID>
91. Инвестирование http://skbkontur.ru/buhinfo/txt/kn_t1c.html
92. Инвестиционные климит <http://lexaudit.ru/stat57.html>

93. Инвестиционные климат. <http://www.ckat.ru/normdoc/pbu13/pbu13g2.htm>
94. Инвестирования... <http://db.socionet.nw.ru/RuPEc/xml/rus/book-gp0675...>
95. Инвестирования...<http://zakon.kuban.ru/doc/107n.shtml>
96. Инвестирования некоммерческих организациях -- Электронные версии – Наши издания - Издательский д. http://financepress.ru/ourproducts_ev_bubno.htm
97. Инвестиция. Пр. пос. И.Токарев. 2003. 504 http://www.bizbook.ru/detail.html?book_id
98. <http://books.iznutri.ru/books/m.php/74231.html>
99. www.uz – первый сайт Узбекистана - ресурс Узбекистана
100. www.gov.uz – официальный правительственный сайт Республики Узбекистан
101. www.stat.uz/index.htm – сайт Государственного комитета РУ по статистике
www.mf.uz сайт Министерство финансов Республики Узбекистан